

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2021-yil 26-mart / № 13 (4620)

Низомиддин МАХМУДОВ,
Ўзбекистон ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори,
филология фанлари доктори, профессор

АЛИФБО ТАКОМИЛИ ТИЛИМИЗ КАМОЛОТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилининг она тили ва айна пайтда давлат тили сифатидаги тараққиёти тарихида том маънодаги бурилиш босқичини бошлаб берган донишмандона нутқи, шу нутқ сўзланган кун имзолаган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони барчамизнинг кўнгилмизни тоғдай кўтарган чинакам тарихий ҳужжатлардир. Уларда бу борада қилинадиган ишлар одатдаги эмас, қўлам ва моҳият эътиборига кўра тамоман янгича ўзанларда, нақд натижаларни ҳадаф қилган ҳолдаги тарх тарзида ўз ифодасини топган. Хусусан, Фармонда бир қатор фавқуллода муҳим вазифалар сирасида “лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириши” ҳам кўрсатишган. Шубҳасизки, алифбо такомилли тилимиз камолотининг муҳим омилларидан биридир.

Зотан, тилнинг чинакам маънодаги алоқа ва таъсир курали бўлишда бош вазифасини ёзувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кишилик жамияти тарихи қўлга киритган билиму тажрибалар, инсон закони яратган нодир кашфиётлар, инсониятнинг олис, аммо ойдин бадний тафаккури маҳсули бўлган сўз санъати дурдоналари, фозилу фузалар, азизу авлиёларнинг ҳақ йўлидаги, одам боласини қобиллик, қомиллик, одиллик эшикларини очибга ундаш йўлидаги табаррук каломлари, жамиятлар тарихининг нурули ва нурсиз саҳифалари ва шу каби ахборотларнинг барча-барчаси авлодлардан авлодларга, халқлардан халқларга, китъалардан китъаларга бевосита ёзув орқали етиб боради. Биз бугун ёзув тўғрисидаги бир неча минг йиллик кўҳна тарих каъридаги товушларни эшити оламиз. Бу ёзувнинг тенгсиз қудратидир.

Ёзувнинг кашф қилиниши инсоният маданий тараққиётининг чин маънодаги ибтидои бўлиб, оғзаки тил(нутқ)нинг замон (вақт) ва макон (масофа) жиҳатидан чекланганлиги ва бу чекланганликни бартараф этишдан иборат мутлақ зарурий эҳтиёж қонуний равишда ёзувнинг келиб чиқишига олиб келганлиги табиий.

Ёзув товуш тилига караганда анча кейин пайдо бўлган. Товуш тили, мутахассисларнинг аниқлашига кўра, 400-500 минг йиллар илгари пайдо бўлган, ёзувнинг юзага келганига эса атиги 4-5 минг йил бўлган (эҳтимол, ундан ҳам кўпдир), ҳоло.

Ёзувнинг юзага келиши ва тадрижий ривож жамият тараққиёти билан, муайян масофадаги кишиларнинг ўзаро алоқа қилиш

эҳтиёжи, сиёсий, ҳуқуқий, диний ва эстетик мазмундаги ахборотларни кайд этиш, сақлаш зарурати билан бевосита боғлиқ. Жамиятнинг ривожланиб бориши, табиийки, хилма-хил ахборотларни алмашиш, кайд этиш заруратини кучайтиради. Бу ҳол ўз навбатида ёзув такомиллини тақозо этади. Дунёдаги ёзувлар шу тарика шаклланиб, такомил топиб борган.

Юсак маданият соҳиб бўлиш туркий халқлар, сўнгги маълумотларга кўра, миллоддан олдинги VI – V асрлардан бошлаб Ўрхун алифбосидан фойдаланганлар. Ўн асрдан кўпроқ вақт мобайнида истемолда бўлган мазкур алифбо ўша давр туркий тилининг товуш қурилишини низоҳатда аниқ ифода эта олган. Туркий халқлар ислом динини қабул қилгач, IX – X асрлардан бошлаб, асосан, араб алифбосига ўтганлар. XX асрнинг бошларига қадар ана шу ёзувдан фойдаланиб келдилар. 1925 йили Бокуда бўлиб ўтган туркийшунослар қурултойида Шўролар мамлақати таркибидаги туркий халқларнинг лотин алифбосига ўтишига қарор қилинди. Бу даврда тиник миллий тафаккур эгалари бўлган жуда кўп элиларимиз ўзбек тилининг мунтазам қамолу учун лотин ёзувиге ўтиш нурули истиқбол эканлиги ҳақида қайта-қайта гапирганлар. Ана шу ҳаракатлар натижасида Ўзбекистонда 1929 йилда бу алифбо жорий қилинди. Аммо тез орада, яъни 1940 йилдан бошлаб кирилл ёзуви асосидаги алифбо мажбурий равишда қабул қилдирилди.



ЯНГИЛАНАЁТГАН ДЕНОВ



Тарихдан маълумки, ҳадис илмининг султонларига бешик бўлган кўҳна Термиз ислом маданияти кириб келишидан олдин ҳам илм-маърифат ривожланган муқаддас шаҳар ҳисобланган. Қуръонда номи зикр қилинган Зулқифл пайгамбарнинг қабри ҳам айнан шу ерда – Пайгамбар оролида жойлашган. Ҳа, дилтортар оиён Сурхондарё ана шундай мўтабар қиёфа касб этган. Денов эса, уч томондан тоғ билан ўралган, улкан синиқ коса ичида жойлашган воҳанинг гўзал тумани. Ота-боболарининг бармоқ изи қолган паҳса деворлари сомонсувоқ томларни Маккатилодай ардоқловчи элдошларим қатори мен ҳам энди-энди улкан қурилиш майдонига айланаётган дехи навим – янги қишлоғим Президентимиз қарорига асосан қайта қурилаётганидан, қўрқамлашаётганидан жуда хурсандман.



27-март ~ Халқаро театр кунин

Ёқуб АХМЕДОВ,
Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси раиси,
Ўзбекистон халқ артисти

САҲНА МУҲЛИСЛАРГА МУНТАЗИР



Гўзал ва бетакрор баҳор фасли ҳар йили халқимизга қувонч бағишлайдиган байрамлари билан таъриф бўлади. Фаслнинг дастлабки кунлик ўзбек халқининг суюкли шоираси Зулфияхонимнинг таваллуд кунларини нишонлаймиз. Кейин 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамини катта тантаналар билан ўтказамиз. Яшарини ва янгилашни айёми бўлган Наврўзи оламнинг бетакрор шукухи кетмай туриб, халқимизнинг сеvimли санъат турларидан бири бўлган, барча театр ходимлари орзак кутадиган байрам — Халқаро театр кунин катта тантаналар билан нишонланади.

Апънага кўра, 21 мартда бошланган ушбу санъат байрамида юртимизда фаолият кўрсатаётган

барча театрлар эшиги томошабинлар учун очик. Жамоалар энг яхши спектаклларини беput намойиш этишяпти. Шунингдек, театрларда соҳа рассомларнинг кўргазмалари, театр либослари ва саҳна безаклари намойишлари ўтказилляпти. Бу тадбирлар бўйича энг яхши ижодкорлар меҳнати тақдирланади, албатта.

Театр ижодкорлари учун ҳаяжонли дамлардан бири 21 март кунин юз берди. Маълумки, шу кунин Наврўз байрами муносабати билан пойтахтимизнинг энг кўркам масканларидан бўлган “Нитро Агепа” мажмуасининг олд қисмида байрам томошалари ташкил этилди. Ушбу тадбирда кўплаб театр жамоаларининг вакиллари, халқ ва фольклор жамоалари, ёш ижодкорлар қатнашди. Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев санъат аҳли билан юзма-юз учрашиб, байрам билан табриклагани театр ижодкорларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўлди. Улар юртимизнинг турли гушаларида бўлиб ўтган байрам тадбирларида фаол иштирок этишди.

Ўзбекистон давлат мусикали комедия (оперетта) театрида “Театр ҳафталиги” доирасида “Бизнинг театр” номли мағбуот анжумани ўтказилди. Тадбир қатнашчилари театр репертуарини янада бойитиш, жамоанинг турли халқаро фестивалларда фаолиги, ижодий сафарларининг аҳамияти борасида фикр-мулохазаларини билдирдилар. Ингиланлар эътиборига буюк санъаткор Ботир Зокировнинг юбилейига бағишлаб тайёрланаётган “Қўшиқ — менин ҳаётим” мусикали спектакль лойиҳаси ҳавола этилди.



Энахон СИДДИҚОВА,
Ўзбекистон халқ шоири, сенатор

ВАПАНИНИНГ ЁРҲҲ СУРАТИ

ЎЗБЕКИСТОН

Юртлар кез, дунё кўр, китъалар ошгин,
Майли, мафтун бўлгин, хайратинг тошқин,
Фақат она юртинг, оринг унутма,
Ахир, Аллох берган жон Ватан битта.
Ер юзида ўзга Ўзбекистон йўқ,
Ўзга шараф йўқдир, бундай бўстон йўқ!

Зам-зам булогидир сен ичар чашма,
Олис дарёларга бўлмагин ташна.
Ўзбек авлодсан, авлиё зотинг,
Жаҳонни забт этсин илму саботинг.
Дунё ичра ўзга Ўзбекистон йўқ,
Ўзга шараф йўқдир, бундай бўстон йўқ.

Товонингдан ўнгай лолақизгалдоқ,
Кўксиде кўтаргай муқаддас тупроқ.
Сен уни асрагил пок иймон билан,
Танда жон бор экан, ўшал жон билан!
Ер юзида ўзга Ўзбекистон йўқ,
Ўзга шараф йўқдир, бундай бўстон йўқ.



Дунё кўзин олган лаъл, жавохирсан,
Кураги ер кўрмас зўр баҳодирсан.
Болам, қайда бўлсанг Тангрим берган туг,
Ўчмасин кўксингга ёниб турган чўг!
Дунё ичра ўзга Ўзбекистон йўқ,
Ўзга шараф йўқдир,
бундай бўстон йўқ!



ЯНГИЛАНАЁТГАН ДЕНОВ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Деновнинг иктисодий салоҳияти ва бу ерда амалга оширилаётган қўламли ишлар камровини тўла тасаввур қилишингиз учун бир фактни келтиришимиз: айни пайтда туманда катталиги бўйича республикада иккинчи ўринда турадиган, эллик беш гектар майдонни эгаллаган янги савдо мажмуаси бунёд этилмоқда. Яқинда шунинг йиғирма икки гектарига қад ростлаган “Бобо дехон бозори”нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Янги бозор эскидан фарқи ўлароқ 1300 ўринли оқ раста, орасидан ўт ўчириш машиналари бемалол юра оладиган 535та озиқ-овқат ва 920та кийим-кечак дўкони, 1500та савдо ўрни, юз ўринли масжид, ўн мингта енгил ва юк машина сингадиган автотураргоҳга эга. Қолган йиғирма уч гектар майдонда ҳам маҳаллий тадбиркорлар томонидан хусусий савдо комплекслари қурилмоқда. Энди 1991 йилда 150 минг нафарни ташкил этган туман аҳолиси 2021 йилда келиб 400 минг кишига етганига яқин келажакда бу кўрсаткич бир миллиондан ошishi мумкинлигини тасаввур қилсак, “2020 — 2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тад-

бирлари тўғрисида”ги Президент қарори қанчалик долзарб аҳамиятга эгаллигини англаш қийин эмас. Келгусида бунча одамни уй-жой, янги иш ўринлари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш лозим, албатта.

— Президент қароридан 2020 — 2022 йиллар давомида киймати 3 триллион 35 миллиард 631 миллион сўмлик 505та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган, — дейди Денов туман ҳокими Руслан Пардаев. — Айни пайтга қадар шахар марказидан ўтадиган ероти канализация тармоғини қуриш ишлари якунланиб, йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш бўйича қарийб қирқ миллиард сўмлик олти миш еттига лойиҳа амалга ошди. Биргина Жомий маҳалласидаги ўн саккизта ички кўча асфальтланиб, бир миллиард етти юз миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Шаҳар марказида юзага келган тирбандликка барҳам бериш мақсадида “Бобо дехон бозори” бошқа ерга кўчирилди ва Қизилсув дарёсининг қирғоқларини боғловчи иккита кўприк қуриб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, “Лочин” маҳалласида жами ўн иккита кўпқаватли уйлар қурилиш жадал суръатларида олиб борилмоқда. Бобур, Шамоли, Оққўрғон, Жаматак маҳаллаларидаги мактабга таълим муассасалари-

да қурилиш ишлари ниҳоясига етказилиб, давлат хусусий шерикчилиги асосида ўн тўртта нодавлат оилавий МТТ ташкил этилди. Яна тўртта мактабда реконструкция ишлари бажарилди. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Хусусан, туман тиббиёт бирлашмасининг олти миш ўринли жарроҳлик бўлими қайта реконструкция қилинмоқда. Тадбиркор Мехрождин Имомалиев томонидан аҳолига ўн тўрт йўналишда тиббий хизмат кўрсатадиган юз ўринли замонавий клиника қурилиб фойдаланишга топширилди.

Дарҳақиқат, поезд Денов темир йўл бекатида кириб борганида аллақачон бўйи чўзиб қолган тўққиз қаватли бино ва унинг ёнида турган салобатли кўтарма қранни кўриб, беихтиёр бошқа жойга келиб қолдимикан, деган хаёлга бордим. Чунки шу вақтгача бу ерда беш қаватли бинодан балоңдор иморат қурилмаган эди. Ҳаммасидан ҳам туманда фаолият юритаётган Денов тадбиркорлик ва педагогика институти том маънода фарзандларимизга мактабдан кўра ақинроқлигини мамнуният билан қайд этиш жоиз. Кишлоқ хотин-қизлари, ҳатто оилали аёллар ҳам яратилган қулайликдан фойдаланиб ушбу олийгоҳда ўқишга, касб эгаси бўлишга интилоқда. Демографик ўсиш кузатилаётган сайин илм-хунар эгаллаш, оилавий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш нақадар кучли заруратга айланганини етти ёшдан етмиш ёшгача чуқур англагани ҳам айни ҳақиқат. Айниқса, томоққалардаги бир марталик йиғма полиэтлен капалардан, иссиқхоналардан чиқадиган яроқсиз плёнкалару уйлардаги кераксиз қозғоқ ҳамда темир парчаларини тўплаб сотадиган, ортирган пулга қўй-эчки олиб боқадиган, компьютер, тил ўрганишга ҳаракат қилаётган кишлоқ болаларининг ўзинга хос тадбиркорлиги, уйдабурунлигини кўриб дилингни яйрайди. Беихтиёр ҳаётда ўз ўрнини то-

пишга қийналаётган, касб-хунарсиз ота-онасига “юк” бўлаётган ёшлар сафи қамаяётганига, Ватанга муносиб ўғил-қизлар вояга етаётганига амин бўласиз.

— Яқинда Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдугани Сангинов ташаббуси билан лойиҳа киймати 70 миллиард сўмлик “Денов ёғ-мой кластер” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади, — дейди “Чоргул” маҳалласида яшовчи фуқаро Тўйчи Окбутаев. — Бу ерда йилга ўртача 30 минг тонна чигит ва қунгабоқар қайта ишланиб, 180.0 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Йирик лойиҳанинг амалга оширилиши натижа-сида 300та янги иш ўрни яратилиб, “Аёллар дафтари”га киритилган 80 нафар хотин-қиз ва “Ёшлар дафтари”га киритилган 100 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Туманининг ободончилигига катта ҳисса қўшаётган сенатор ўтган йили маҳаллама-маҳалла, ўйма-уй юриб, Денов туманидаги мавжуд 100та маҳалланинг 35тасидаги ичимлик суви билан боғлиқ муаммони ҳал қилди. Бизнинг “Чоргул” маҳалламизда ҳам янги артезиан қудуғи қазириб, аҳолининг дуосини олди.

Дарҳақиқат, Хайрабод гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмда отлик бўлиналарнинг машғулот ўтказишга мўлжалланган От спорти мажмуаси, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркни ташкил этиш бўйича берилган кўрсатмалар ижроси юзасидан IT-PARK маркази фаолиятининг йўлга қўйилгани Денов туманида барча соҳаларда қўламли ишлар амалга оширилаётганидан далолат. Бир сўз билан айтганда, фармон ва қарорлар ижроси ҳамда ислохотлар рўйида фаол иштирок этаётган замонамиз қаҳрамонларининг эзгу ниятлари ва амалга ошираётган хайрли ишлари ҳақида салмоқли китоб ёса бўлади, бу эса шундан бир шингил, ҳолос.

Шухрат АЗИВОВ



АЛИФБО ТАКОМИЛИ ТИЛИМИЗ КАМОЛОТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги барча соҳаларда бўлгани каби она тилимизнинг ҳам, унинг ифодачиси бўлмиш ёзувимизнинг ҳам ривож тақомиланиши эмин-эркин белгилаш, таъмин этиши имконини туғдирди.

Ўтган даврлар мобайнида мамлакатимизда лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, умумий ўрта таълим ва ўрта махсус таълим тизимларида лотин алифбоси тўлиқ жорий қилинди, дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётларининг барчаси, шунингдек, мазкур таълим муассасаларида иш юритиш тўлиғича лотин ёзувида ўтказилди. Болалар учун мўлжалланган даврий нашрлар мазкур ёзувда chop этилмоқда. Олий таълимда ҳам лотин ёзуви ўз ўрнини эгаллади, албатта, айрим ўқитувчиларнинг иш қозғоқларида кирилл алифбосининг ҳамон ишлатилаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Ўзбекистонда 1993 йилда лотин ёзуви асосланган янги ўзбек алифбоси ҳақидаги қонун қабул қилинган, 1995 йилда мазкур алифбога тегишли ўзгаришлар киритилган ва шундан буён ўттиз йилга яқин вақт ўтган бўлишига қарамай, мамлакатимизда ҳамон икки ёзувдан фойдаланиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари билан лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўттиз борасидаги ишлар кескин жонланди. Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сибясатини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 10 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўттиши таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ана шу қарор билан тасдиқланган йўл харитасига мувофиқ лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосининг янги тахрирдаги лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Табиийки, бу лойиҳа юзасидан турли мулоҳазалар билдирилмоқда.

Бугунги кунда лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосидаги айрим жиҳатлар, хусусан, баъзи харфларнинг ифода томонларини тақомиллаштириш лозим эканлиги ойдинлашиб бўлди.

Ҳар қандай алифбонинг асосий мақсади халқ шеваларидаги товуш тизимини эмас, балки адабий тилининг товуш тизимини акс эттиришдан иборат. Халқ шеваларидаги товуш тизимини акс эттириш учун махсус “фонетик алифбо” мавжуд, уни тилшунослик илмида “транскрипция ёзуви” дейилади. Мавжуд ўзбек алифбосидаги харфларнинг 29 та эканлиги ўзбек халқ шеваларида ҳам 29 тагина товуш борлигини билдирмайди, ўзбек халқ шеваларида товушлар бундан анчагина кўп. Шунинг учун ҳам ўзбек диалектологиясида қўлланадиган транскрипцион ёзувда белгилар миқдори сезиларли даражада ортик. Алифбода тилдаги мавжуд товушлар ва уларнинг вариантлари учун эмас, балки товушларнинг инвариантлари, яъни фонемалар учун тегишли белги — харф танланади. Масалан, ўзбек алифбосида “и” фонемаси ифодаси учун “и” харфи танланган, бу харф шу фонеманинг барча

вариантларини ифодалайверади, яъни “bilan”, “qiziq”, “sahifa” каби ҳолатларда бир фонеманинг уч вариантини ифодалайдики, уларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида харф тайин қилиш гайриилмийдир. Мавжуд ўзбек алифбосини тақомиллаштиришда мақбул мақсад билан ҳозирги кунда мамлакатимизда билдирилаётган мулоҳазаларнинг аксариятида ана шу қабилдаги фикрлар ҳам илгари сурилатгани мутахассисда таассуф туғдиради. Бу ва бунга ўхшаш ҳолатлар имло ва талаффуз қондалари воситасида тартибга солинади. Инглизларнинг “Биз Манчестер” деб ёзиб, Ливерпуль деб ўқиймиш” деган ҳазиломуз гаплари бор.

Ўзбек халқининг тили бошқа қардош халқларникидан фаркли ўлароқ кўп шевалидир, унинг таркибиде кичик ҳам, ўғуз ҳам, қарлуқ ҳам бор. Шунинг учун ўзбек тилида унларнинг ўймоноқ-каттиқлиги қисман сақланган бўлса-да, бу сифатни ёзувда акс эттириш зарурияти йўқ. Шунини инобатга олганда, бугунги ўзбек ёзувини тақомиллаштириш жараёнида сингармонизми акс эттиришга уриниш мақсадга мувофиқ эмас.

Албатта, жорий ўзбек алифбосида тақомиллаштиришга муҳтож ўринлар йўқ эмас. Энг мақбул, таъбир жоиз бўлса, идеал алифбонинг бош тамойили бир фонеманинг бир харф билан ифодаланиши, бир харфнинг бир фонемани ифодалашдан иборат, гарчи бунга мунтазам интилиш бўлса-да, аммо ер юзиде таоман шу тамойилни тўлиғича намоеён қиладиган алифбо ҳали йўқ.

Ҳозирги ўзбек алифбосида учта фонема кўш харф билан ифодаланган. Айниқса, “ch” ва “ng” харфлари ҳақида шундай мулоҳазаларни айтиш мумкин: “ch” харфи кўп жиҳатдан қулай эмас, энг аввало, савод чиқаришда ортикча қийинчиликларни келтириб чиқаради, “c” харфи (ва унинг номи, демакки, “маъно”си) айни алифбо тизимида мавжуд эмас, шунинг учун ўргатувчи ўрганувчига олдин бу харфини ўргатиши (бу бир

ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ

Ўзбек адабиёти оғир жудолукка учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев шу йил 22 март куни 88 ёшида вафот этди.

Худойберди Тўхтабоев 1932 йил 17 декабрда Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида туғилди. 1955 йил Тошкент давлат университетини тамомлади.

У ўзининг меҳнат фаолиятини 1955 йилда ўрта мактабда ўқитувчи сифатида бошлади. Кейинчалик “Тошкент ҳақиқати”, “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газеталарида адабий ходим, “Шарк юлдузи” журналида бош муҳаррир ўринбосари, республика ёшлар нашриёти, “Гулхан” ва “Ёш куч” журналларида бош муҳаррир лавозимларида самарали меҳнат қилиб, миллий адабиётимиз ва матбуотимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшди. Кейинчалик республика “Истеъдод” жамғармаси ҳамда “Олтин мерос” халқаро хайрия фондининг раҳбари вазифаларида фаолият олиб борди.

Катта билим ва тажрибага эга мураббий адиб сифатида узоқ йиллар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг болаларга мўлжалланган “Уйла, изла, топ!” дастурига бошчилик қилди.

Худойберди Тўхтабоев ўзининг чуқур тарбиявий аҳамиятга эга бадиий юксак ижоди билан ўзбек болалар адабиётининг забардаст намоянасига айланди.

Истеъдодли адиб олти миш йилдан зиёд давом этган ижодий фаолияти мобайнида “Шошқалок”, “Сўқмоқлар”, “Муҳаббат қўшиғи”, “Жонгинам, шартингни айт” сингари хикоялар тўпламлари, “Сир очилди”, “Омонбой билан Давронбой саргузашти” қиссалари ҳамда “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими”, “Беш болали йиғитча”, “Қасоскорнинг олтин боши”, “Йиллар ва йўللар”, “Ширин қовунлар мамлакати”, “Мунгли қўзлар”, “Жаннат одамлар”, “Қиз талашган ўсмирлар”, “Қўёнлар салтанати”, “Қиз болага тош отман” романларини яратди.

Айниқса, ёзувчининг “Сариқ девни миниб” романи юртимиз ва дунё микёсида жуда катта шухрат қозонди. Мазкур асар қирқдан зиёд хорижий тилларга таржима қилиниб, миллионлаб нусхаларда chop этилган.

Мустақиллик йилларида адибнинг ижодий ва ижтимоий фаолияти янада ёркин намоеён бўлди. У ёш авлод вакилларини юксак маънавий-ахлоқий кадрлар руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган асарлар яратиш билан бир қаторда, жамиятимизда адабиёт ва китобхонликни кенг тарғиб қилишга ҳам муносиб ҳисса қўшди.

У тажрибали ижодкор, жонқуяр ташкилотчи сифатида кўплаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилди.

Худойберди Тўхтабоевнинг ўзбек адабиёти ва санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон халқ ёзувчиси”, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвонлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти ҳамда “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланган эди.

Атоқли ёзувчи, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Худойберди Тўхтабоевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, С.САИДОВ, И.ГАФУРОВ



ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

АЪЗОЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Куни кеча бир гуруҳ ижодкорлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоллигига қабул қилинди. Аъзолик гувоҳномаларини топширишга бағишланган тадбирда Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирождин Саййид давлатимиз томонидан адабиётимиз равнақига эътибор кучайиб бораётгани, ёзувчи-шоирларга яратилаётган имконият ва шароитлар ҳақида гапирди.

Тадбирда адабиётшунос Сайёра Холмирзаева, ёзувчилар Абдуҷалол Тайпапов, Александр Свистунов, Акбар Мирзо, Абдуҳамид Мухторов, Руслан Жаббаров, публицистлар Тошўлат Матнобоев, Салим Дониёров, шоирлар Омонулла Муталов, Акшагул Тўлегенова, Шахрибону Ҳасановага Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолик гувоҳномаси ҳамда эъзадик совғалар топширилди.

— Мен учун гоёт қувончли кун бўлди, — дейди адабиётшунос Сайёра Холмирзаева. — Бугун отам — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуқур Холмирзаев таваллуд топган кунда Ёзувчилар уюшмасига қабул қилиндим. Бу ҳам бўлса тақдирнинг бир тухфаси. Сафдошларимни ҳам чин қалбдан қутлайман.

Шунингдек, тадбирда “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёров, шоира Шахрибону Ҳасанова ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Зулхайо АҲМАДЖОНОВА

СОҲИР ИЖОДНИНГ СИР-АСРОРИ

Ўз РФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан “Абдулла Орипов ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Анжумани институт директори, филология фанлари доктори, профессор Н.Махмудов

кириш сўзи билан очиб берди. Ўз РФА вице-президенти Б.Абдуҳалимов атоқли шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача тўхталиб ўтди. Ўз РФА академиги Наим Каримов “Абдулла Орипов лирикasinинг лабутафати” мавзусидаги маърузаси давомида шоир билан боғлиқ хотираларини ҳам айтиб ўтди. Иқтисод фанлари доктори Қ.Абдураҳмонов “Абдулла Орипов Данте диёрида” мавзусидаги

маърузасида Абдулла Орипов билан Италияга сафари ҳақида сўзлаб берди. Анжуманда республикаимизнинг кўплаб таниқли адабиётшунос олимлари, фан докторлари, профессорлар, қолаверса, туркиялик ва озарбайжонлик олимлар Абдулла Орипов шеърини, ижодининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қизиқарли маърузалар қилдилар.

Академик Қ.Абдураҳмонов йиғиланларга ва институт кутубхонаси учун Абдулла Орипов юксак маҳорат билан таржима қилган Данте Алигьерининг “Илоҳий комедия” китобининг янги нашрини совға қилди.

Тадбирда шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган видеоролик намойиш этилди.

Анвар А.Л.АМБЕРГЕНОВ, тадқиқотчи

Энахон СИДДИҚОВА,
Ўзбекистон халқ шоири, сенатор

ВАТАННИНГ ЁРҒУ СУРАТИ

ВАТАН

Ватан кўксим ичида
Бир қуш мангу сайроқдир.
Рухимнинг меҳробига
Худо ёққан чироқдир.
Хар чўши ўзи хикмат,
Хар зарраси бир хадис.
Куббалар ўқир оят,
Устунлари мударрис.
Боласидай эркалар
Кучоги аримчоқдир.
Чучмомолар ўпкалар,
Соғинчи кизгалдоқдир.
Шоҳмардон тоғида
Ўйноқлайди оҳулар.
Илинар булогидан
Менга фаришта сувлар.
Оқиб келар қикирлаб,
Ялпиз, момақаймоқлар,
Жаннат ариқларидан
Гул, қалампирмунчоқлар.
Бешиғнинг бошига
Хақ кўйган нури китоб.
Ватан тун-қун қошимда
Чарақлаб турган офтоб.
Кўз юммас, дуолардан,
Меҳридан палак тикар.
Бу нотинч дуйёларга
Тинчликдан кўйлак тикар.
Жонининг тупчагидан
Ёққан қора ўчоқдир –
Дунё онам юракда
Қовурган оқ болроқдир.
Тандирлари узатар
Ширмой нони қаймоқдай,
Ватан ёруғ суратинг
Онам очган қучоқдай!

ШОИРЛИК

Шоирлик –
Сўз экиб, умид ўстирмак,
Озодлик тилида дарс бермоқ.

Жонин ёкиб ўтган
қора ўчоққа
Онамдек ҳаётни ўчирмай ўтмоқ!

Шеърларим
Эпкиндан ўчса шам... каби,
Ҳақир овозим ўчгани яхшироқ!

Элим, деб кўп ёздим.
Аритмадим-ку!
Қайси дардин олдим елкамга бироқ?!

Онамнинг шодлигин кўклатса эди,
Отамга чой тутса
меҳридай қайноқ!

Бугдой нонинг едим,
Воя, қарзим кўп!
Бугдой сўз айтишга нўноқман,
Нўноқ!

Жуда уётлиман халким олдида -
Сўзларнинг
кўзига қарайман қандоқ?!

Кечирманг тўмтоқ, гўр сатрларимни,
Ахир, кўп гўдрандим,
Яшадим узок.

Шоирми?!
Жавобни эшитгим келмас!
Менин шоирлигим аччиқ бир сўроқ!

Бир сатрим қоларми
халким ёдида –
Юраги сувқўрак, қалби уччаноқ!

Бу сўзни айтишга ҳақким борми, йўқ,
Шоирлик –
Зулмга қарши яшамоқ!

Буюк йўлга чиқдинг!
Олис бир йўлга
Бўлсайди шеърларим оддий йўлчирик!

АДАБИЁТ ДАРСИДА

Оқ киш. Мактаб...
Тўлган кетган жом.
Эски томдан ўтади чакка.
Бутун синф михланган гўё,
Кўлларини қўйган иякка.

Ў, болалар юраги ортик
Кўтарарми зулм, муңларни?
Киприкларда қайгулар қалқиб,
Тинглашади «Ўткан қунлар»ни.

Эшитилмас чак-чаки ғамнинг,
О, юраклар тўхтаган такка.
Адабиёт муаллимнинг
Товушидан ўзга қуллоқка.

Ўртада шам ва қонлиг юрак,
Ишқ эрийди. –
– Унутмайсизми?
Отга камчи босар Отабек,
Жонга камчи уради зулм.

– Кумуш ўлди!!!
Қон қусди, охким!
Сўзлар ниграр... бўзлар чиркираб.
Ким ўқрар, ким йиғлайди юм-юм,
Ва парталар юборар хўнграб.

Печка ўчган.
Ловулар синф.
Дилдиратар совуқни бу хол.
Шикирлайди бузилган қулф,
Ташқарида изиллар шамол.

Тирилади қалбда шу нафас,
Томирда дард, ишқини уйғотиб
Ва болалик тугар, беуввос
Ўз-ўзини юракка отиб.

Дарс тугади.
Кўзгалмас ҳеч ким...
Хўрринади болалар беун.
Юраклардан сирғалганча
Сассиз чиқиб кетар муаллим!

МУҲАББАТ

Муҳаббат кўзимга сурмалар тортди,
Ўчириб бўлмайдими хануз ёш билан.
Муҳаббат кўнглимни арзонлар сотди,
Кўксимни қонатди бағри тош билан.

Муҳаббат кўлимга хинолар кўйди,
Мен сенга шунчалар бинолар кўйдим.
Хиёнатнинг тиғи жонимни ўйди –
Юракка лаҳча чўғ – хинолар кўйди.

Ох, ишқ кўзларимга сурма тортди-ей,
Ким кўрди жонимга илшанг ўтни?!
Ёнётган юрагим дарёга отдим,
Дарёларнинг охи Худога етти.

Сени қарғамоққа етмайди қучим,
Сени айблamoққа йўқ менда асос.
Сени телбалардай севгани учун
Энди бу юракдан оламан қасос!

ОНА

Ўйласам...
Кемирар жонимни алам,
Юкингиб олмайман, кўлингиздан мен!
Фақат юк бўлибман,
Тутибман талх ғам,
Чўкибман ҳасратдай кўнглингизга мен.

Жон дўстим бўлибди бедил,
Ёнибман,
Қайғусиз касларга кўнглим остона.
Минг йил яшайсиз! – деб
Ғофил қолибман,
Мен Сизни мангу деб ўйлабман, она!

Бўлмасайдим балки,
Сиз ҳамон тирик!
Дардингиз орттирдим,
Жонни оғритдим.
Ўйласам, кўксимга келар
Ўқирик,
Сочингиз оқарди,
фақат қаритдим.

Келганда қабрингиз сари доймо,
Толларни ўяди
Соғинчим, нолам.
Юрагимни ўртаб келади садо –
– Оғримаптимми бошинг, жон болам!

Чўқаман...
Чечаклар товоним қучар.
Юзимдан ўпган гул
Онажон, сизми?!
Бўғзимдан сиркираб фарёдлар учар:
– Бағритош болангиз,
Кечирдингизми?!

АЁЛ

Аёлни қизғонинг, аёлни асранг,
Уни чўктиради хиёнат, завод.
Дўзахга ўт қўяр киприклариди,
Жавобсиз қолмасин ҳеч қачон савол.

Аёлни асрангиз, аёлни севинг,
Елга берманг хатто сояларини.
Аёлни қарғини ўқдан ҳам учқур,
Аёл қарғамасин болаларини.

Йиғласа соғинчдан бўзлаб йиғласин,
Майлига, ўртансин интизор ишқдан.
У бахтдан хўрсинсин,
Ёлғиз қолмасин,
Ҳеч аёл муҳаббат қўшқиди.

Бошида рўмоли тонг шафагидан,
Пойига гул сочиб эркалар шамол.
Этак силқимасин асло севгидан,
Кўчлар кўтармасин дунёдан аёл.

Аёлни қизғонинг, уни авайланг...

Жувон киприги билан кирпи овлайдиган
даражада гўзал эди. Ха, халдан зиёд хушрўй.
Таърифга тил дол. Томири Кавказ тоғларидан
сув ичади. Ўзи айтган: бобо-момолари осетин.
Мен унга Кавказда осетинлардан ўтказиб пир-
роғ пиширишолмайди деганимда, шу-шу ўзига
яқин олиб қолган. Ҳ-е-е, бунга ҳам анча йил-
лар бўлди.

Мен очган фирма қароргоҳи айнан мана
шу нуфузли ресторанга тақалиб турар, ўрта-
сида биргина дивор бор эди. Нарёғи хориж,
берёғи ўзимизнинг бойу бадавлатлар ишби-
тимга муҳр ургач, қўлтиклашиб қирадиган
жой. Ишбеги эшик олдида бизни кутиб олади.
Доймо қўли кўксиди, юзида қандайдир алам
қоришиқ кулги зоҳир бу савлатдор кимса биз-
ни ресторанинг алоҳида гўшасига етаклай-
ди. Ўн-ўн беш чоғли меҳмонга мос хосхонада
эса бир қошига кирк қурбон сўраб Салтанат
пайдо бўлади. Давлатинг доврқ урса, девлар
дириллаб, жинлар жирилларкан, чин. Гогол-
нинг “Диканка кишлоғи оқшомлари”ни ўқиб
бойлигинга инсу жинс суқ урса, дову досканг
узокка бормаслигини кейинчалик тушуниб
етдим. Майли, бу бошқа хикоянинг озиғи. Ҳо-
зирча, ўзимизнинг ресторанга қайтайлик; хул-
лас, ресторани ахли, ишхонам эшигидан ўзим
туғул соямнинг бир қисми кўриниб қолса ҳам
югургилаб келиб таъзим қиларди. Айтдим-ку,
идорам ресторанга жипс эди деб. Қунора кен-
рардим; хар гал ёнимда икки-уч нафар сен
зўрми-мен зўр ўйнайдиган бойваччалар, охти-
мол, уларнинг томида тоғора тангиллаб, ақли-
га алиф бегонадур, лекин чўнтақлари чўғни
ўчирар даражада эди.

Қунора чинбазм, қунора жинбазм. Гоҳида
ресторанинг эгаси ҳам пайдо бўлиб қолар,

Кўчқор НОРҚОБИЛ

РЕСТОРАНДА

Дўстим Собирга бағишлайман.

бўлар-бўлмас вайсашга ҳам хўппасемиз кор-
нини ушлаб силкиниб-силкиниб қулар, қо-
воқ-ангорида оғиз эмас, чўғ яттилаган ўйиқча
пайдо бўларди; бу ўйиқчага моҳир уста тилла
тишларни ўта нозиклик билан териб чиққанга
ўхшарди. Ўсиқ қошлари остида совуқ йилти-
лаб турган нигоҳларида нафрату ғазаб ёни-
шини ҳам ҳис қилардим. Қизик, унинг корни
ўйноқлаб, оғзи қулардио кўзлари ёвузона йил-
тиллари; ана шу-да, худди Гоголь таърифлаган
пулбанди жиннинг қиёфаси қаршимда намоён
эди. Бу ерда биргина Салтанатнинг чехраси,
бору борлиги табиий эди, назаримда. Беғубор
кўзларида инсоний бир ёруғлик чакнардди, та-
бассуми ҳам ёник ва тафтди. Кавказ тоғлари-
дан тақдир тақозоси билан бу ерларга алашиб
тушиб қолган мукамал бу лолагун чехрада ўз
ғурурига қалқон бўладиган қатъият ҳам зоҳир
эди.

Давронинг дами қайтса, доиранг дангилла-
майдди, ногоранг наъраси бир пулга ярамайди,
деғич эди раҳматли қатта энам. Ишим тескари
кетди, қаердан хатолиг ўтди, кейин англадим.
Бойлигинг боғи яшнагач, атрофингдагилар
пашша-чивиндай гувилларкан. Қун келиб шу
боғни совуқ урса, уларнинг бирортасини то-
полмай қоласан; э-е-ей, атрофимдагилар ким
эди, наҳотки, улар теграмда учиб юрган, фақат
бол-ширамга қўнган пашшалар эдимми, деб бо-
шингга муштлайсан, фойдаси йўқ...
Хуллас, икки йил тафтиш қилишди. Идора-
ма-идора юриб овера бўлдим, топганим тутдай
тўлбанди. Арзимас бир камчиликка ўнга хато
тирқалди, бир хатога юз камчилик қўшилди...
Худога шукр, синмадим, лекин синалдим. Ким
синади? Ҳаёт. Ўзимни ўзим синадим. Яратган-
нинг ажрими бор экан, яна ичимда бир қатъият
ўти ёнди. Лекин олдинги йўлимдан юрмаслик
учун ўзимга сўз бердим. Шундоғам у қўчалар-
нинг боши берклигини англаб етгандим.

Беш йил хорижда бўлдим. Тадбирли ва са-
бри бўлишни ўргандим. Сен бойлиқнинг хиз-
мақори эмас, бойлик сенга хизматкор, тобе ё
чўри бўлиши, пул деган нарсани бўйсун-
ни лозим эканини ҳис қилдим. Шу ақидани
англаб етгачгина кўзим очилди.
Хуллас, мен пойтахтнинг чекка, баҳаво
қисмида компания очиб иш бошладим. Завод
қуриш учун кредит олдим. Уч йилда ишим
ўнланди. Қуларнинг бирида, ўз ўзидан Сал-
танат ёдимга тушди. “Саккиз йил бўлапти,
ўша ресторанда қорамни кўрсатмаганимга.
Балки ишдан бўшаб кетгандир...” Олдинги
босар-тусаримни билмай қолган, пул қутур-
тирган кезлардаги жазава ўти сўниб, хаёт де-
ган донишманд сипо-сипоийликдан сабоқ
берган паллада ҳам ўша ўзига хос ресторани
кўнглим тусаётганини ҳис қилдим. Одамзот-
нинг кўнгли қизик-да, ақл йўриғига юргиси
келмайди, шунинг учун кўнгли кўнгли-да...
Ресторанга бориш истагини кўнглининг ишига
ағдардим-да, ишхонадан чиқдим. Мени тани-
шармикин? Уйга келиб эски-туски кийимлар-
дан кийдим. Кўнглимнинг тубига алланечук
ўйноқи бир режани тугиб ўзимча хузурандим.

Ойнаванд бинонинг бурчакнасидаги
бўш столни мўлжаллаб қадам босдим. Улкан
залнинг охиридаги ўша ҳашаматли хонага
кўз қиримни ташладим. Худди олдингдай
мухит: ўша мусика, ўша сирлилик, ўша дабда-

ба, фақатгина қамини фақир. Орадан ҳеч қанча
вақт ўтмаган, ҳаммаси кечағиди.

— Бу ер банд. Ҳов авани жой бўш, — деди
киррабурун қорамгағиз официант киз, афт-ан-
горим ва эғнимдаги ғижим кийимимга бепи-
санд боқиб.

— Қасрга ўтирай, менга шу ер ёқаяпти-да.
— Бу ерининг доимий эгалари бор, — офи-
циант гапни қиска қилди, — ана ўртадаги стол
бўш, — жеркиб қўя қолди энди.

Бордим. Ўтирдим. Ахён-ахёнда зал тўри-
га кўз ташлайман. Э-е-ей, ана ўша савлатдор
ишбоши ҳамон қўли кўксиди пилдираб ке-
лаяпти, менинг ич-ичимда бир тўлкин мавж
урди, унутмабди, одамгарчиликни унутмабди.
Қаёқда, у менга парво ҳам қилмади, ёнимдан
пишиллаб ўтиб кетди-да, ресторани остонасида
пайдо бўлган дароз кимсага тавозею тақаллуф
этиб, етаклаб ўша хосхона томон бошлади. Ҳа,
дарвоқе ёнимдан ўтаётди, менга ғалати қараш
қилиб қўйди. Ҳалиги киррабурун киз яна қар-
шимда бўйи кўрсатди:

— Хўш, нима буюрасиз?
— Салтанат ҳозир ҳам ишлаяптими? Агар
мумкин бўлса, Салтанатни чақириб берсангиз.

Киз менга ҳайрат билан тикилади. Энциси
қотади. Юзига қизиқишми, ажабсиниш алома-
ти ёйилади.

— Уни нима қиласиз? Одами бор? Нарёққа
қарайди, Салтанат олам.

— Биладан нарёққа қарашини, сиз бориб
мени кўрсатинг, келади, у келиши керак, —
дейман қатъият билан.

Қиррабурун қорамгағиз киз хосхона то-
мон зипиллаб кетади. Казо-казоларнинг
тановул гўшаси эшиги очилиб ишбоши,
ҳалиги савлатдор кўриниш беради, менга
ижирганиб қараб туради-да, югурдак киз-
га нимадир деб тиржаёди. Официант ҳам

ўқланган қамондайгина таранг тортилиб
қаршимда тебранади:

— Агар адаймаётган бўлсам,
ҳозир келадилар, — энсаси қотади
ва елка учириб қаршимдан ғойиб
бўлади.

Бўёғини эшит; ишонасанми, у келаяпти,
мени қалтироқ босаверди, қўлларим, бар-
моқларим титрайди, титроқ урган қўлларим-
ни стол тағига яшираман. Ўша-ўша солланиб
юришини кўр, чехрасида нимтабассум, тимқо-
ра юлдуз кўзларида ўша оташ, қилт этсанг,
киприги билан уриб йикитгулай, адл қаддига
ярашқ тор яшил қўйлақда, бошида қизғиш
қалпоқ; яшил бандли атиргул дейсан, қулма,
нега қуласан...

Бошимни эгиб олдим. Нега ҳам қақир-
дим-а? Варниб кўнглимда гуриллаган ўтни
ақл шамоли ўчиролмаганидан ўқиндим.

Келди. Бош кўтариб унга қардим. Қўлла-
римни базўр стол тағидан олдим, ҳамон қал-
тирайди. У менга бир сония тош қотиб қараб
турди, юзида лаҳзалик сесканишми, қўрқув
хиссиеси ёйилгандай бўлди. Сўнг яна жилмай-
ди:

— Сиз... Сизни танидим, — деди алланечук
алфозда.

Мен унга термулиб қолдим, у ҳам энди та-
ажжуб исканжасида эди:

— Нима хоҳлайсиз? Бирор нарса буюрасиз-
ми? — деди меҳр билан.

— Шу... шу яримтагина товуқ, элик, йўқ
юз, йўқ элик грамм ўткирроқ ичимлик, ярим
бўлак нон беринг, — дедим тутилиб. Ђижим
кўйлагимнинг чўнтағидан пластик қартамни
олиб узатдим.

Унинг кўзларида ғамгинлик туйдим. Мен-
га ачинди. Зал тўридаги хосхона эшиги олдида
эса ҳалиги барзанги менга ўқрайиб қараб ту-
рибди, сўнг бош чайқаб тиржайиб қўйди. Зум
ўтмай Салтанат ликопчада қовурилган бутун
товуқ, салат, қаттақон истақонда лиммо-лим
тўла коньяк келтирди-да, ўша олисларда қол-
ган давру давронимга эш беғубор табассумини
дариг тутмади:

— Олинг, ош бўлсин. Пластингиз рақа-
минни айтмасиз, майли шартмас...

Мен унинг ортидан анграйиб қараб қолдим.
Компаниядаги ёрдамчимга зарур топши-
рикларни бериб, кейинги ҳафта ишга чиқи-
шимни айтдим. Ўринбосарим билан қўнги-
роқлашиб душанбагача ишни бошқариб
туришини буюрдим. Эртасига яна ресторанга
бордим, соч-соқолга тиг тегмаган, кийим-бош
ўша-ўша, афтодақол, бу гал оёқда шиппак.
Кечки нонушта пайти бўлгани учун одам гав-
жум. Биров менга ҳайрат билан, бошқа биров
ачиниб қарайди.

— Жой йўқ, — деди официант.
Мен тўғри буфетчи жувон қаршисига бо-
риб бир қултум ичимлик буюриб, тик туриб
сипқордим-да, бўш столлардан бирининг ёни-
га бориб курсига чўқдим. Тегамда официант
ҳозир бўлди. Мени турткилади.

— Бу ер банд, ҳозир одамлар келади.

— Мен-чи, мен одам эмасманми? — дедим
овозимни баландлатиб. Зум ўтмай икки қўриқ-
чи йиғит икки қўлтиғимдан олиб ресторани
ташқарисига олиб чиқиб қўйди. Негадир ич-
ичимдан хузурандим. Нима қиларимни бил-



май ойнаванд эшикка қардим. Ишонасанми,
эшик очилиб Салтанат чиқиб келди. Кўзларида
ёш ғилтиллади, лаблари қимтишиб бош ирга-
ган қўйи қўлимга пул тутди:

— Манавини олинг, тақсиди уйингизга бо-
ринг. Эй, Худойим-а, бундайдан хаёт курсин. Бу
ерга тушлиқдан олдинроқ келинг, бошқа пайт
одам қўп бўлади, мен сизга қарай олмайман...
Иложи бўлса, ичман... Ташланг ичшини... —
у бошқа гапиролмади. Эшикни зарб билан
очиб ўзини ичкарига урди. Мен бутун вужуд-
дим аланга олиб, сўррайиб қолавердим, сўнг
ўзимни лавнатладим. Ресторанинг орқасида,
бурчакдаги дарах тағида ҳайдовчим кутиб ту-
рарди. Холи-жоним танг аҳволда машина то-
мон юрдим.

Шанба қуни уйдан чиқмадим. Тунни минг
бир азоб билан ўтказдим, уйку келмади, миж-
жа қокмадим, ичимда бир аламли исён ўйна-
рди. Кимга, нимага, билмайман. Ўзимни ўзим
таққир ва изтироқ оловига ташлаган эдим. Бу
олов Салтанатнинг меҳри ва самимияти туфай-
ли яна гурилларди. Тўрт тангаси бор телба-тен-
такка топилган тавозею тавалло оддий инсонга
топилмаслиги, камбағал-йўқсил келганда муз-
лаб қоладиган ресторани оҳангжамо жойлар,
айниқса, авани, қасби-қори бойларнинг тово-
нини ялашдан бошқа ярамайдиган барзанги
ишбоши сингари нусхаларнинг димоқ-фироғи
жон-жонимни ўртарди. Тўғрисиини айтсам,
дунё шундай яралган, лекин инсоннинг юзи,
ёди, қадри қаерда қолади? Ахир, мен ўша рес-
торандагиларнинг алласидаги азизи, тўрва-
сидаги майизи эдим-ку... Яхшиям

Салтанат бор эди бу дунёда, у мен
учун, барча одамлар учун ўлмаган,
ўзини асраб қолган меҳр тимсоли-
га айланганди.

ҲИКОЯ

Якшанба қуни тушлиқдан олдин яна бор-
дим ресторанга. Бурчакдаги курсини танла-
дим. Шу тобда ёнимга барзанги ишбоши ла-
панглаб келди. Ҳа, ўша, бир пайтлар қаршимда
учиб-қўниб, пойи-пагак бўладиган кимса.

— Сан ўзингни ким деб ўйлавосан? Сур
қўнган!

Зум ўтмай тунов қунги иккита қўриқчи
пайдо бўлди. Аламли илжайдим.

— Чикасанми ё?... — деди барзанги.

Залда нимадир тарақлаб кетди. Ўтирилиб
қардим. Қўлида ликопча тутган Салтанат тик
қотиб турибди.

— Тег... Тегманлар унга. Уни мен қақир-
дим. Тегманлар, бошқа келмайди.

Мен ўрнимдан турдим. Салтанатга жил-
майдим, шарт бурилиб, ресторандан чиқиб
кетдим.

Ана шунақа гаплар. Мана кеп қолди. Шу
ресторан. Эшигининг олдида бориб тўхтап.

Ёзувчи изохи:

Хориж русумидаги, ойналари тим қора
иккита ҳашамдор машина ресторани эшиги
қаршисиди тўхтади. Орқа уловдан қўриқчи
йигитлар отилиб чиқибди, бизнинг машина
эшигини очинди. Собир иккимиз машинадан
тушидик. Қордай оппоқ қўйлақ кийиб, эғнига
қоп-қора қимматбаҳо италиён костюм-ши-
минни кийиб, галстук таққан, қадди тик, боши
мағрур Собир ошнамиз эшик олдида қимир
этмай турди. Ресторани эшигини девсифат қим-
са очди-да, Собирга бир қараб қўйиб, орқага
тисланди. Собир лаби бурчига сигарет қўндир-
ди. Зал тўрига қараб шаҳд билан юрди. Ортада
биз. Ўша хосхона томондан яна бир барзанги
(мен уни ишбоши эканини тусмолладим) қўли
кўксиди биз томонга қараб пилдираб кела бош-
лади, рўпарамизга етгач, оғзини бақадай очиб,
қарахт бўлиб, муз қотди.

— Сан бўтда нима қилаяпсан, ҳалиям бор-
мисан? — ўсмоқчилади Собир, — сен бизга
хизмат қилолмайсан, бошлигингни қақир!

Барзанги бир тисланиб курсига ўтириб қол-
ди.

Собир тўғри хосхона эшигини бориб очди.
Кенг ва шинам, жилвагар, ёп-ёруғ хона ўрта-
сида дид билан тузалган стол теграсида эшик-
ка орқа ўғириб у-бу нарсаларни тахлаётган
алдақ жувон бизга ўғирилиб қаради-да, Со-
бирга кўзи тушиши ҳамона қўлидаги ликопча-
ни ерга тушириб юборди.</

Президент кортёжи катта кўчада шувиллаб келиб, ланг очиқ дарвоза қаршида тўхтади. Барча нигоҳлар вазмин қадамлар билан мажмуага кириб келаётган Шавкат Миромоновичга қадалди. Давлат раҳбари бошини озроққина эгиб, ўша одимлар билан тўрт қатор-тўрт қатор сафланиб турганлар олдида ўтиб бориб, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Сўнг орқасига икки-уч қадам чекиниб, таъзим бажо қилди ва чап томонга ўтиб, Ислам Каримовнинг рафиқаси Татьяна Акбаровна билан ёнма-ён маросимни кузатиб турди.



даги фалсафий мушоҳадалар, мулоҳазалар, тасвирлар, тафаккур тарзи камаласдек ўраб олди ҳаёлотимни. “Ай! — дейман ўзимга ўзим. — Шоир — шоир, шеър — шеър-да!” Мисралардан

Сенат, Олий Мажлис, ҳукумат аъзолари, жамоатчилик вакиллари бирин-кетин Биринчи Президент хотирасига ҳурмат билдирдилар. Мен ҳам кўпчилик қатори Ислам Абдуганиевич ҳайкали пойига гул қўйиб, калин арчалар билан қопланган йўлакка бурилдим. Шу пайт орқадан тез-тез юриб келаётган қадам товушлари эшитилди. Ўғрилиб қарагумича бўлмади, кимдир аста қўлтирдан олди: “Қандай одам эди-я...” Овозидан танидим — Саъдулла Ҳаким: “Раҳматлик, бир келиб, кетди-да, тўғрими?”

— Зўр эди. Жасур...
— Ва мураккаб, — сўзимни илиб кетди Саъдулла Ҳаким. — Шердай юрак бор эди. Сатин-Патин деганларни чиккан жойига жўнатвордим, дегани эсингиздами? Шўролар хали отдан тушмаган эди.

— Салкам бир ярим асрлик кулликдан кейин Ватан мустақиллигини, Президентлики эълон қилиши, “пахта иши” бахонасида минг-минглаб ноҳақ камалганларнинг озодликка чиқарилиши, буларни, бутун айтиши осон.

Шу асно Ислам ақани эслашиб юриб кетдик.

— Ўша йилларда шаштимиз қандай зўр эди-я! 99 йилги портлашлардан кейин бошқа ўзанларга бурилиб кетдик-да...
— Мажбурликдандир.

— Лекин, биласизми, назаримда, шундай ботир одамниям кимлардир қаттиқ чўчитди.

Агар, 90 — 95 йиллардаги шижоат сусаймаганида, бугун турмушимиз бошқача бўларди.

— Ким нима деса деяверсин, Ислам Абдуганиевич тарихда мустақил Ўзбекистоннинг биринчи пойдеворини қўйган атоқли шахс бўлиб қолаверди.

Гап-гап билан қатта йўлга чиқдик. Кун салкин, дарахларнинг яланғоч шоқларида юпка қиламик зарралари живирлаб турибди. Лекин хаво бирам мусоффоки, нафас олганда дилинг яйраб кетади.

Тўғриси, менинг яна бирпас айлангим, бошланган суҳбатни давом эттиргим бор эди. Лекин Саъдулла Ҳаким уйга кирмасам бўлмайди, сизилроқ кийинибман, совуқ ўтгандай бўлди деб узроқлик қилган, индаёлмадим. Хайрлашаётим, қўлини узатди

— муздай. Эътибор қилмабман: ёноклари, бурнигача қизариб кетибди. Лаблари қабириб, шишгандай. Чарчоқми, ташвишми ёхуд юрак жарроҳлиқдан кейинги толикканликданми, ҳар қалай, чеҳраси аввалгидай тиниқ эмас. Катта-катта кўзларида бир пайтлар баҳор чакмоқлари сингари шуурига ўрнашган чўғ ҳам қандайдир хиралашиб қолгандек туюлди. “Қариямиз”, деган ўйдан этим жунжикиб кетди.

— Айтгандай... — Саъдулла Ҳаким кетмоқка шайланган жойида тўхтаб, тез бурилди-да, бошқаватдан қаттиқ қўлтиклаб олди. — Бир нарса ёзувдим. Биламан, ишингиз кўп, мажлислар, чоп-чоплар...
— Эшон бобом-ей! — дедим сўзини бўлиб.
— Шу кетишда ҳадемай Америкага элчи бўласиз-ов? Янги романни тугатдингиз, шундайми?

— Э-э, авлиё бўлинг-э! — кулиб юборди у. — Лекин роман ёзувчиға товун, бизники япроқдайгина дoston. Бир кўз — бир кўз, икки кўз — икки кўз...
— Бир қалла — қалла, икки қалла — тилла, — мен шундай деб қўлимни секингина елкасига қўйдим. — Достонингизни ҳозир ўқисам, ўзимга фойда-ку. Китоб бўлиб қичқандан кейин магазинма-магазин излаб юрмайман.

Бу “хушомад”им ёқди. Хоҳолаб қулиб, маза қилди.

Ишга келиб қарасам, “Юрт ўғлони” деган дилнома-doston телефонимда турибди. Достон чинданам ихчамгина экан. Қоғозга чикарволиб, бирпасда ўқиб чиқдим. Минг-минг йиллик воқеалар, тарихий сиймолар, маълумотлар қўлтирдандими, публицистик тур биринчи ўринга қичиб кетгандек туюлди.

Дикқат билан яна ўқидим. Ва... Энди англай бошладим шоирнинг жўшқин туйғуларни, қондошларни, элдошлари ва Ватан тупроғининг ҳар заррасига бўлган дарё-дарё ифтихори, қайноқ фикрлари, орзу-армонларини. Буюк боболарнинг шонли сиймоларига чекиз муҳаббат, умрини Ватан, миллат бахт-саодати йўлидаги беомон курашларга бағишлаган ва бағишлаётган ЮРТ ЎҒЛОНЛАРИ, уларнинг афсонавий жасоратлари ҳақи-

Абдусайд КҶЧИМОВ БАҲОР ЧАҚМОҚЛАРИ ёхуд мангу қоида

мисраларга ўтган сайин кўнглимда баҳор гуллари чамандай очилиб, еру осмон — бутун жаҳон чучумомаю қизгалдоқларга тўлиб бораётгандек ичимга сингайлар кетяман, денг. Бугуннинг нафосатли шамолларига туташиб кетган олис ўтмиш бўронларидан юрак хаприкади; шундоқ ёнгинада момақалдироқлар гумбурак, кетма-кет чакмоқлар қачнаётгандек туюлади. Тасвирлар шу қалар тиниқ ва ишончлики, минг-минг йиллик тарих ва бугунги Ўзбекистон манзаралари худди кино тасмаси сингари кўз олдимдан бир-ма-бир ўтаёттир. Ана, зардуштийлик динининг илк муқаддас китоби “Авесто”, унинг ёнида Ўрхун ва Энасой буйларига ҳарсанларга битилган энг қўхна достонимиз — “Билга хоқон ва Қўлтегин”. Мардими, ватанпарварлиги, севги ва муҳаббатга бўлган садоқати билан етти иклимга донг таратган Алпомиш — пахлавоннинг учқур туплорни тўбелари остидан кўтарилаётган тўзон Бойсун даштларини қоплаб бормоқда; озодлик, адолат, эл-юрт бахт-саодати йўлидаги қаҳрамонлар тимсоли — Гўрўглининг ўтли хайкириқларидан асрий тоғлар бешик каби тебранди. Арабларнинг Турронзаминга уюштирган фотиҳлик жанглари, қонга бўялган майдон, қўқрагини найза тешган суворийларнинг инграшла-

ри, жон талвасасида типирчилаётган эгасиз отларнинг пиширишлари...

Кейин, илкис ола-говур тинадию Мағрибу Машриқни хайратга солган маърифат боғларининг миришкор бобонлари — Муҳаммад ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад Ясавий, Рабғузий, Беруний, Хоразмий, Форобийларнинг мумтоз сиймолари пайдо бўлади. Мутафаккир боболар суҳбати тугамай, яна мўғул босқинчиларига қарши 11 йил тинмай курашган Жалолиддин Манғуберди билан Темур Маликнинг афсонавий қиёфаси пайдо бўлади. Бошқа бир халқ қаҳрамони Спитаменнинг ўз сафидан чиққан сотқинлар томонидан ўлдирилиши газабингни кўзгайди. Достонда буюк соҳибқирон Амир Темурдан Намоз ботирга, Мирзо Бобурдан Абдулла Қодирийга, Алишер Навоийдан Зулфияноҳимгача бўлган бепоён кенгликлар қамраб олинганки, кичик асарда шундай маҳобатли даврлар қиёфасини яхлит тасвирлаш қанчалик

зета узатаётти. — Бунда сизнинг катта хизматингиз бор.

Табиий илтифот, бахтиёр одамнинг шодумон диловарлиги эди бу. Рост-да, ахир, шоир учун янги асарини элга тақдим этишдек сурурли, гурурли, хаяжонли лаҳзалар борми дунёда? Суюнишимнинг сабаби фақат шунинг ўзи эмасди. Мен ўша дақиқаларда, анчадан буюн дўстимнинг кўзларида кўргим келиб, кидириб юрганим — қадимги чакмоқларни топгандай эдим. Топдим ва бу ёник чакмоқларга илк дафъа дуч келган кунлар ёдимга тушди.

...Биз ва бизга қурдош авлод тиниқ эслайди: ўтган асрнинг 70 — 80-йилларида ахли қалам доирасида бир ажаойиб анъана шакланган эди. Биринчи китоби ёки янги асари чиққан Ўзбекистонлик Пушкин (ҳозирги Абдулла Қодирий) номидаги боғда йиғилиб, сирди-сирди шилдираб тургувчи ариқ бўйидаги чорпоярларда узок-узок суҳбатлар қуришар эдилар. Баъздан ярим тундам тугамайдиган гурунглар шеърхонликка, шеърхонлик мунозараларга, мунозаралар яна шеърхонликка айланиб кетарди.

Хотирам алдамаётган бўлса, Азим Суённинг “Ҳаёлот” китоби иссиқ нондек энди “тандирдан узилган” кунлар эди. Бир гала ёш “даҳо”лар қатта чорпоян тўлдириб ўтирибмиш. “Дўппи”дек ош қозонда. Мушоира эса бошланиб кетган. Азим Суён “Қодир овчининг ўлим”ни ўқиёттир. Шоирнинг шеър айтиши ҳеч қимни-кига ўхшамас, аммо мана шу шеърни айтганда илоҳий қудратдан бургутга айланиб бораётганга ўхшаб кетарди. Ундан сўнг даврага тушиши осон кечмасди ҳеч қимга. Шунда жўрабони — сочлари жингалак, кўзлари қатта-қатта йингит — Саъдулла Ҳаким бандан овоз билан шеърни шеърга улаб юборди. Шеър Гараша деган қишлоқ ва шу қишлоқ одамлари ҳақида эди. Унда “чакмоқ урсин!” деган хайқирик бот-бот такрорланар, хайқирик ҳар янграганда осмону фалақини титратиб чакмоқ қачнаётганга ўхшар ва бу чакмоқ осмоннинг аллақарларига эмас, ёш шоирнинг тм қора кўзларида қачнаётгандек буларди гўе! Биринчи марта кўрган эдим ўшанда Саъдулла Ҳакимни. Азим Суён билан Саъдулла Ҳаким нафақат бир тоғнинг олқорлари, балки синфдош эканлигим шунда билувдим. Кейин-кейин

БАДИА

яқинлашиб, дўстлашиб кетдик. У моҳир даврабоши ва ўзига хос хофиз ҳам эди. “Қора кўзум...” — ни айтганида сел бўлиб кетарди эшитганлар. Эсон Лутфуллаев, Бахтиёр Холхўжаев, Баҳрилло Лутфуллаевлар унинг ҳамқишлоғи — шулардан юккан экан унга бу иктидор. Унинг овози бақувват, ширадор эди. Биз кимир этмай қўшиқларини тинлардик.

Тақдир тақозоси экан, вақти келиб, бир муддат, бир идорада, бир тизимда, бирга ишладик. Дўстининг қимлигини билмоқчи бўлсанг ё сафардош бўл, ёхуд бирга ишлаб кўр, дейишди. Чин дўст — бебаҳо давлат эканига, шамоллару бўронлардан дарахтини томири сақлаганидек, одамни дўсти сақлашига ҳам ўша кунлари яна бир қарра ишондим. Саъдулла Ҳаким оғир дамларида дўстларига қалқон, синовли лаҳзаларда суянч бўлдиған инсон эди; мана унинг иқрори:

**Дўстга сўзининг дўст сўзи дўст,
Дўстга дўстнинг дўст кўзи дўст.
Дўстга дўстдай дўст борми дўст,
Дўстга бўлса дўст ўзи дўст.**

Саъдулла Ҳаким анча вақт Президент девонининг Ахборот марказига раҳбарлик қилди. Кейин “Туркистон-пресс” ахборот агентлигига, ундан кейин умрининг охиригача Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасига раис бўлди.

Қаерда, қайси идорада, қайси лавозимда ишлагани, бир нафас ҳам шеърятдан узоклашган эмас — ҳаминша жўшқин ижод оғушида яшади. “Олис юлдуз”, “Бола Ботир” каби достонлар, “Атом қазрига саёҳат”, “Оқсарой” сингари манзумалар яратди. “Ҳамал тонглади”, “Сен кулган баҳор”, “Ёз оқшоми”, “Она сўз”, “Сайланма”, “Кўнгул юзи”, “Кўхна нақл” ва бошқа китоблари ўқувчиларнинг қадридон дўстларига айланди.

Яратганга шуқрлар бўлсин, шеърят дейилмиш абадул-абад яшаб тургувчи мухташам “назий сарой” бор бу ёруғ оламда. На табиат, на инсоният яратган қонун-қоидаларнинг ҳеч қайсига бўйсинмайдиган бу сирли сарой қамини ўзига мафтун этакеради гўзалликка ошиқ қалбларни. Саъдулла Ҳакимнинг сўзлари, суҳбатлари ва ёник туйғуларидан ҳам ана шу мўъжизалар мақони қаҳраман қилади барчамизни бундан буюнгга. Қалбидеги зие, кўзларидаги баҳорий чакмоқлар ҳам нури мисраларида порлаб, нурафшон зиялар соҳаверани кўнгли боғларига.

На илоқки, бу ёруғ дунёнинг мангу қоидаси шундоқ экан...



Суратда: (надан) адиблар Назир Сафаров, Эътибор Оқуюова ва Иззат Султон. (1970 йиллар). С.Мақамов олган сурат.

XX аср бошларида қуртак ёза бошлаган миллий уйғониш даври мустақил мафқуранинг қўли билан бўғилгану миллат зиёлиларининг аёвсиз қатагон қилингани барчамизга яхши маълум. Зиёли қатламнинг гоёвий курашилар, ҳурриятга интилиши, қолаверса, ўзбек халқининг ўз маданияти, мустақил тараққиётини юксалтиришига бўлган тугма хоҳиши ҳеч қачон барҳам топмагани учун ҳам ўтган асрнинг 60-йилларида адабиётга кириб келган ижодкорлар янги эврилишининг инъикоси сифатида қучли кўтарилишини вужудга келтирди. 80-йиллар адабиётининг истеъодли ёшлари интилишлари тимсолида ҳам аср бошидаги қуртаклар қайта кўз очди.

БИР УМРЛИК УЙГА ВАЗИФА

Учинчи Ренессанс даври адабиётининг мустақам пойдевори учун бугун биз етарли асосларга — маънавий-руҳий омишларга, яъники теран илдизларга эгамиз. Хўш, шундай бебаҳо адабий мероснинг ҳозирги ворислари янги давр остонасида Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов сингари фавқуллода ҳодиса бўла оладиларми? Ёш авлод вакилларининг ютуқ, камчиликларидеги ўзига хосликлар умуийликлар салафларининг улкан муваффақиятлари ва чеklangан имкониятлари билан таққосланганда қанчалик салмоқ касб этади?!

Тан олиш керакки, асрлар мобайнида орзу қилинган улкан мақсадга — истиқлолга эришилган, адабиётда ҳам, мафқуравий янгилашишда ҳам ижодий ўнгилашлар, туб бурилишлар бўлди, аммо барибир сўз санъати соҳасида қутулганидек юксалиш кузатилмади, шу жумладан, ёшлар ижодида ҳам. Бунинг ички сабаблари айна пайтда янги авлодга етакчилик қилаётган пешқадам ёшларимизнинг бадний гидроки, мафқураси, қалб кечинмалари, ўзига хос дунёқараши яна бир қанча қимматли хусусиятлари билан боғлиқ. Табиийки, иктисодий-ижтимоий муаммолар ечими, моддий рағбат ҳам ижодкор парвозининг юксалишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ёшми, қарими — ким бўлишдан қатъий назар — қалам ахли, аввало, ҳаёт ташвишларини рўзгор иқир-чиқирларидан ортиб, жаҳон адабиёти намуналари билан бўйлашадиган асарлар битиши учун, албатта, оиланинг иктисодий-ижтимоий муаммоларини хал қилиш бўлиши жоиз. Турли кийинчиликларга қарамай, ўзлигини намойи қилишга уринаётган, сабот билан, садоқат билан ижод қилаётган адиб ё шоир ўз китобини шахсий маблағи эвазига чоп этишни, бунинг устига, уни сотиш мажбуриятини ҳам ўз гарданига олса, ундан яна қандай қилиб бадний юксак

асарлар кутиш мумкин? Хайриятки, сўнгги йилларда давлат раҳбарининг адабиётга, қалам ахлига эътибори ва ғамхўрлиги тўғрисида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан юзлаб ижодкорларга имтиёзли кредит асосида уй-жойлар берилди. Кўплаб ёшларнинг илк китоблари “Ижод” фонди томонидан чоп этилиб, қалам ҳақи тўланди. Аммо бу масалаларнинг узок йиллар мобайнида ўз холига ташлаб қўйилгани адабиётимиз ривожига салбий таъсир қилмай қолмади.

Четдан кузатган кишига бугунги ёшлар ўз уй-ташвишларини шахсий муаммолари билан андармондек, ўзаро ижодий ҳамкорликдан бир мингча йирокдек туюлади баъзан. Гарчи дунёнинг у чекасидаги одам билан онлайн тарзда юзма-юз туриб, фикр алмашиш имкони яратилган; интернет, уяли алоқа ривожланган; ўз иши, шахсий муаммоларидан ортмаган тақдирда ҳам ўзаро ҳамкорлик асло кийинчилик тўғдирмайдиган бир замонда алоҳида чойхона гурунгларино йиғинларсиз ҳам адабий мунозаралар, мушоиралар қилиш мумкин бўлса-да, негандир биз, ёшлар бир-биримиздан жуда узокмиш. Кекса ва ўрта авлод, керак бўлса, тенгдошларимиз ютуқларидан маънавий озуқа олиб, тажриба алмашиш, мавжуд камчиликларни атрофдагиларнинг кўзи билан кўриб, тузатиш ўрнига ўз-ўзимизга махлиёмиз.

Яна бир хунуқ ҳолат: айрим ёшлар ижодида умумий камчиликлар, хусусан, мавзу мундарижасидаги қамровсизлик, сазёлик, теранларидега эса, антик адабиёт эътиқодини белгилувчи мифик тушунча ва исломий атамалари, фетишларни қоршийтириб, ўринли-ўринсиз қўллаш амалиёти, дин илмидан беҳабарлик ҳолатлари кузатилмоқда. Ижтимоий тармоқларни билмадим у интилувчан, беса-бр ёшларнинг шошқалоқлик билан кенг ом-

АДАБИЙ ЎЙЛАР

мага тақдим этилаётган китобларини тажриба алмашишдай осон ва қулай йўллар билан но-жоизликлардан тазолаш, ҳатто улар қалби ва ақидаларидаги чалқашликларни ҳам тузатиш имконсиз эмас.

Айтиш керакки, ёшлар ижодида яққол кўзга ташланаётган муайян қамчиликлар қатори эътирофга арзигулик талай ютуқлар ҳам мавжуд. Улар ижодидаги самимият, ифода услубидаги раволик, туйғулар гармониясидаги зичлик ва софлик, фалсафа, беғуборлик, маҳорат ва баднийат бобидеги маҳорат Жўрабек Жаҳон, Шодмонқул Салом, Шоди Отамурад сингари ақсарият Абдулла Орипов излашларида ҳам кузатилаётгани қувонарли. Айниқса, Шодмонқул Саломнинг “Шеър сайёраси” тўплами ва “Шарқ юлдузи” журналининг 2020 йил 7-сонидега чоп этилган “Арслон ва қуралай” ҳикоясини ўқиб, муаллиф ижодидаги ўсишдан мамнун бўлдим. Терминга келган ҳинд олим тилидан ҳикоя қилинишича, чоғга қулаган эмизикли шер узок вақт болаларини эмизволмай сутти тошганидан қаттиқ азоб чекади ва ўлар холга етганида қандайдир сабаб билан олдиға тушиб қолган қийик боласи — қуралайни меҳри ийиб эмиза бошлайди. Ақл бовар қилмас мўъжиза устига келган илмий экспедиция аъзолари иккада жониворни ҳам қутқариб қолади. Аслида бу мантиққа зид, ажабланарли ҳол эмас. Бу ўринда бадний ҳақиқат билан ҳаёт ҳақиқати сирдан қараганда бир-бирига зиддай кўринса-да, аслида бир-бирини тўлдириб, тасдиқлаб қеляпти. Хуллас, бундай факт ва ютуқлар ҳақида қўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Учинчи миллий уйғониш даври адабиётини яратиш вазифаси битта-иккита шоир ё ёзувчи ёхуд бир-икки авлодининг эмас, балки умумхалқ олдида турган кенг қамровли маънавий масалаларда. Бундай масъулиятли вазифанинг адо этилишида, турган гапки, ёшларнинг ҳам муносиб ўрни бўлади. Шундай экан, шахс ва етуқ ижодкор сифатида бутунликка эришиш, халқ оғзаки ижоди, мумтоз ҳамда жаҳон адабиёти намоёндаларининг улкан муваффақиятларини ранг-баранг услубларини эничл ўрганиш, тажрибада қўллаш орқали сўз санъати дурдоналарини халқаро миқёсга олиб чиқиш бугунги ёшларимиз учун бир умрлик уйга вазифа бўлмоғи лозим.

Шўхрат АЗИЗОВ

Мангу маъна

ХАЛҚ АРДОҚЛАГАН ШОИР

Абдулла Орипов ижодий феномени бирор адабиёт муҳаббини бефарқ қолдирган эмас. Шу боис жойларда шоирнинг таваллудига 80 йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар беҳтиёр халқнинг, китобхонларнинг хоҳиш-иродасига айланди.

Мен Каттақўрғон туманининг Жизмонсой қишлоғига борманг эдим. Ҳалиям бормай юришим мумкин эди. Бирок шу ердаги 75-мактабда зоология фанидан дарс бераётган шоир дўстим Содик Абдусалом астойдил чорламанганида ва Абдулла ака ҳақида бирга кўп йиллар ишлаган одам сифатида хотиралар сўзлаб беришимни итмос қилмаганида бормас эдим. Модомики, чиндан мактаб, қишлоқ ахли шуни астойдил хоҳлаган экан, баҳона қидирмай бормоқ лозим. Бирок Жизмонсой қишлоғи бу қадар олис, тупқанининг тубида эканини билмас эканман. Боз устига шивалаб ёмғир ёғиб бошлади. Бизга ҳамроҳ Самарқанд телевидениеси ижодий ходимлари ҳам аввал Каттақўрғон тумани маркази Пайшанбега келишундан ундан нарига ўтишмаган экан. Яхшиям Содик бир йилгит билан Пайшанбега келиб бизни кутиб олишди. Токка қараб кетяпмиз, кетяпмиз, қани энди ета қолмас. Одамларни мактаб ҳовлисиغا йиккан эдик, ёмғир, бу ёғи ҳавоям совий бошлади, ичкарида зал йўқ, коридорга жой қилинармикан, деб қўяди Содик. Нақ Октовнинг биқинига етдик. Охиригидондан чапа қараб ошса, Хатирининг Сангитжуман, шоир Фахриёрнинг қишлоғига, тўтрига ошса, Қўшрабоннинг Қоракисса, яъни Ёрғаш Жуманбулбулнинг хос шоғирди Раҳматулла Юсуф ўғлининг қишлоғига тушилар экан. Дарвоқе, биз ўқиган маълумотларда Хатирчида тутилган деб айтилган ўмироқул, Умарқул, Амирқул Пулқанлар ҳам айна шу Жизмонсойда туғилиб ўсган эканлар. Қолаверса, Марғўр Жалил, Гулжамоил Аскарқовлар ҳам айна Каттақўрғон туманида туғилганлар. Шаҳарга яқин жойда жалил шоир ва драматурги Абдулхамид Маждий, ундан илгари Шавкий ялаб ўтишган.

Қишлоққа етганимизда ёмғир шаррос қуйиб юборди. Ҳовлидан мактабга киргунимиз-

ча шалаббо ҳўл бўлди. Мактаб коридорида, ғира-шира чирок ёруғида тадбир бошланди. Қараб турсам, директордан тортиб ҳар бир сўзловчи шоир ёки шоиртабиат, сўзларни ўраб, қофияга солиб сўзлайди. Биров сўзлаганда бошқалар жон қулоғи билан тинглайди. Адабиёт фани ўқитувчиси, шоир Дўстмухаммад Дўст А.Ориповнинг ақсар шеърларини ёддан билишини айтганида унчаём хайрон бўлмадим, ишондим. Боз устига у шеърларни шу даражада ифодали, тушунарли, таъсирли қилиб ўқидики, беҳтиёр лол бўлиб қолдим. Каминанинг улуг шоирнинг фазилатлари, ижодий фаолиятининг муҳим нуқталари хусусидаги таассуротларимни ҳам улар жуда эътибор билан тинглаганини кўриб мутаассир бўлдим. Бу тоғларда шивирлар ҳам маъно касб этади, шивирлар ҳам тингланади, деб ўйладим.

Шу қишлоқлик Олим баҳши қўлига дўмбир олиб термалар айтганида қамна баҳшичилик мактаби хануз давом этаётганидан хурсанд бўлдим. Ижро тугаганида секин ёнига бориб достонлардан қай бирини тўлик биласиз, деб сўрадим. Қайсини эшитмоқчисиз, дея дўмбирсини тингирлади бошлади у. Шу асно бугун баҳшиман деб юрган баъзиларнинг бирор достонни тўлик билмаслиги ҳаёлимга келди. “Алпомиш”ни дедим тавқалкалга. Кетди: хай ёрейи...

Бошқа бир сафар, вақт бемалоллигида тинглаймиз деб тўхтадим. Тадбир тугаганида қош қораймас ҳам осмон қора тортиб намозшом тусини олган эди. Содикнинг уйига кириб бир пилеа чоидан сўнг Октов тоғига қараб ошиб, Жўшга, ундан қишлоққа ўтмоқчи эдим. Афсуски, қўзгалганимизда аллақачон ерни оппоқ қор қоплаган, гушгилаб қорбўрон турган, қўз очиргани қўймаз эди. Қишлоқдан умид узиб тагин ичкарига кирдик. Биласизми, Абдулла Ориповхонлик шу бошлангандан ярим тунгача давом этди...

Собир ЎНАР

Самарқанд вилояти мусикали драма театрида “Бибиҳоним” номли мусикали драма сахналаштирилди. Спектакль Ш.Исахонованинг “Турон маликаси” романи асосида (Т.Исролов инсценировкаси) сахналаштирилган. Маълумки, тарихий асарни сахнага олиб чиқиш учун катта маҳорат, тажриба, ва албатта, чуқур билим зарур. Тарихий ҳақиқатни бузмаган ҳолда бадиийликка йўрилган пьесани танлаб олиш ҳам алоҳида маҳорат талаб этади.

Бибиҳоним нафакат бизнинг ўлкамиз, балки жаҳон давлатчилигида муҳим ўрин тутган аёллардан биридир. XIV асрда бутун дунё тарихини ўзгартирган ва жамият тизгинини ўз қўлида тутган соҳибқирон Амир Темури амалга оширган буюк ишларда айнан Бибиҳонимнинг катта хизмати борлигини ҳеч бир тарих билимдони рад этолмайди. Шаҳзодаларнинг бари, волидаси ким бўлишидан қатъи назар, Бибиҳонимни ўз оналаридан кўра кўпроқ суйган, эъзозлаган ва ҳар ишда маслаҳатлаган.

Спектаклда давлатнинг Соҳибқирон вафотидан кейинги пароканда даври (1405 — 1409 йиллар) тасвирланган. Асар Бибиҳонимнинг кичик Мирзо — Улугбек тарбияси билан шуғулланаётган сахна билан бошланади. Темурийларнинг улуг онасидан дуо олиш Мирзо Улугбек насиб этиши унинг тахтга ўтириши ва юлдузлар илмининг етук олими бўлишига ишора қилади.

Режиссёр Ш.Санакулов роллар таксимотини моҳирлик билан амалга оширган. Асар драматургияси пухта ишланган сабабли қаҳрамонлар тарихий манбаларда келтирилган ҳақиқатларга яқинлиги яққол сезилади. Бибиҳонимнинг (Р.Жўракулова) дадил ва назокат билан қадам ташлаши, сўзларидаги аниқлик, равонлик, шу билан бирга, овозидаги меҳрибон оналарга хос мулоқимлик характерни ёрқин очиб беришга хизмат қилган. Хонимнинг сабрлиги, Аллоҳ тақдир этган барча ишларга вақтинлик билан ёндашиши, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини йўқотмай вақит тизгинини кўлга ола биллиши айнан томошабин сахнада кўришни истеган Бибиҳонимни гавдалантирган.

Ўша даврдаги энг кучли аёллардан яна бири Халил Султоннинг завжаси Шоди Мулк эди. Асарда конфликт айнан шу икки персонаж ўртасида кечади. Бибиҳоним Шоди Мулкни ўзига душман сифатида кўрмайди, у билан қасдлашгани истамайди ҳам. Бибиҳоним ўзи тарбиялаган шаҳзодалардан бири бўлмиш Халил Султоннинг қарорига

хурмат билан ёндашади, унинг муҳаббатини тушуниб ҳар иккаласига онадек муносабатда бўлади. Аммо бу самимийликка ишонмаган Шоди Мулкка нимага эришса ҳам бари ҳам бўлиб қўринар, у Бибиҳонимни ўзига душман деб биларди. Унинг қарорлари Бибиҳонимни қаршилик кўрсатишга мажбур этиши оқибатида кўз илгамас кураш юзага келади. Ёшлигидан таҳқирланган, хўрлик ва хорлик ичида вояга етган қанзак улкан салтанат ворисларидан бирининг рафикаси даражасига етиши тарихда камдан-кам учрайдиган ҳол эди. Темурийнинг газиби ҳам Халил Султон ва Шоди Мулкка тўсиқ бўлолмагани уларнинг бир-бирига



бўлади. Хиёнатга учрагач, қанчалар хароб холга тушгани томошабинни ўйга толдиради. Актёр ўзига топширилган ролни бор маҳоратини ишга солиб ижро этган.

Спектакль якунида Бибиҳонимнинг ўзи Мирзо Улугбекни тахтга ўтказиши унинг темурийлар салтанати давомийлигида тутган ўрни муҳим аҳамият касб этганининг рақамий ифодасидир. Гарчи айрим тарихий манбаларга кўра, Бибиҳоним Мирзо Улугбек тахтга ўтиришида ҳаёт бўлмаган эса-да, хотимада Бибиҳонимнинг сахнада гавдаланиши асар бадииятини оширишга хизмат қилган. Зеро, тахт Бибиҳоним томонидан ишончли кўлга топширилиши келажакка умидни фодолайди. Бибиҳонимнинг қалб ва руҳан доим Ваган билан биргаллиги, шу заминга унинг беқиеё меҳнати синггани, тарихимизда унинг ўрни нақадар муҳим бўлгани томошабинга етказиб берилган.

Самарқанд вилояти мусикали драма театри ижодкорларидан мана шундай юксак савияли, узок йиллар сахнадан тушмайдиغان, ёшларнинг тарихий билимини ошириб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмак берадиган асарлари кутиб қоламиз. “Бибиҳоним” режиссёр Ш.Санакуловнинг муваффақиятли асарлари қаторидан муҳим жой эгаллашига ишонамиз.

Мохинур АХМАДЖОНОВА,
театршунос

БИР САВОЛГА БИР ЖАВОБ

Дилфуза РАХМАТУЛЛАЕВА,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

ЗАМОНАВИЙ АСАРЛАРГА
ЭҲТИЁЖ КАТТА



— Бугунги ўзбек драматургиясидан кўнглингиз тўладики? Тўлмас, бунинг сабаблари нимада, деб ўйлайсиз? Мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида қандай тақлифларингиз бор.

— Драматургия энг қадимий санъат турларидан бири сифатида том маънода театрнинг ҳолатини белгилайди. Сўнгги йилларда янги техник воситалар театрдаги сифат ўзгаришларга бирмунча таъсир кўрсатдики, бу санъат минг йиллар нари-берисида яшаб келаётганининг сабабларидан бири ҳам шу. Драматургиянинг ҳолати барча даврларда жамиятнинг илгор фикрли кишиларини ўйлантириб келган. Айниқса, бугунги кунда ушбу адабий турнинг оқсатгани ҳақида кўп гапирляпти. Сўнгги даврда ижодкорга кенг имкониятлар очилиб, ижод эркинлиги учун шароит яратилганда бундай ҳолатнинг сабаби нимада, деган савол туғилиши табиий.

Тўғри, мустақилликнинг дастлабки йилларида айрим тақрибли драматурглар соҳадан четлашди. Иқтисодий танглик драматургия ривожига озми-кўпми таъсир кўрсатди. Бироқ бугунги кунда пьесанинг давлат нархи ошиб, театрлар постановкалари учун имкониятлар кенгайганда ҳам бу савол долзарблигини йўқотмапти. Ўтган йилги театрлар репертуарига назар солинса, миллий драматургия тарихидаги ноқад асарлар, чет эл драматургияси намуналарига кенг ўрин берилгани кўринади, замонавий драматургия намуналари эса, бармоқ билан санарли. Бугун тақрибли драматургларимиз Шароф Бошбеков, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Ҳайитмат Расул қаторига Нурулло Аббосхон, Қўчқор Норқобил сингари драматурглар кўшилаётгани эътирофга лойиқ. Усмон Азимнинг асарлари Миллий академик театрининг мустақиллик йиллар репертуарида муайян босқич вази-фасини бажаргани кўпчиликнинг ёдида. Айни пайтда адбнинг янги — соҳибқирон Амир Темури ҳақидаги “Адолат фасли” асари қизиқиш билан ўқилади. Соҳибқирон ҳақидаги дастлабки асарларда Амир Темури киритишга ҳаракат қилинган боис уларнинг бадиий хусусиятларидан кўра, маърифий аҳамияти катта бўлди. Фактлар кўпчилигини саралашда муаммолар кўзга ташланди. Натijaда бу сиймога хос фазилат ва ҳислатлар ҳақида бир асарда тўла-тўқис гапириш имконияти йўқлиги ойдинлашди. Шу маънода Усмон Азимнинг “Адолат фасли” асарида буюк аждодимизга хос барча инсоний ҳислат ва фазилатлар ортқика дабдабасиз тилга олинган. Ушбу асар Миллий академик театрининг 2020 йилги репертуарига киритилганда, бироқ пандемия сабаб ҳали сахнага олиб чиқилгани йўқ.

Хоразм театрида Қилич Абдунабиев асари асосида сахналаштирилган “Жайхун кўшиғи” мусулмон оламнинг энг забардаст мутасаввуф донишмандларидан бири Нажмиддин Кубро ҳақида. Муаллиф мавжуд манбаларга асосланиб, аллома ҳаётининг сўнгги бир неча кунини асари саҳифаларида жонлантиришни ният қилган, асосан, тарихий манбаларда келтирилган фактларга таянган, шунингдек, ижодий фантазиясидан ҳам фойдаланган.

Натijaда, ўзига хос воқеа-ҳодисалар жонланган роман-драма дунёга келган.

Кейинги йилларда драматург Нурулло Аббосхоннинг бир неча асари республикамиз театрларида сахналаштирилди. Миллий театрда бу йил сахна юзини кўрган “Ўзгалар дарди” асари оддий инсонлар — элга хизмат қилишни бурчи деб биладиган, ҳалол меҳнати билан одамлар қорига яраганидан мамнун ҳаёт кечириб юрган ҳокисор, самимий шифокор аёл ва унинг дўстлари ҳақида. Воқеалар жараёнида ҳаётимиздаги айрим иллатлар қулги остига олинади. Шуниси эътиборлики, Нурулло Аббосхон сахнага яхши ҳис қилади, у билан ишлаш режиссёрлар учун ҳам қийин эмас.

Театрлар репертуарида даврнинг энг долзарб муаммоларини кўтариб чиққан асарларга талаб барча даврларда катта бўлган. Бугун республикада фаолит кўрсатаётган театрлар репертуари кўздан кечирилса, аксар театрлар йил давомида режалаштирган тўрт асарнинг факат битта-сигина замонавий мавзуда экани, баъзи театрлар режасида замонавий мавзуда бирорта ҳам асар йўқлиги кузатилади. Замонавий мавзуда эътиборнинг сусаяётганига сабаб нима, деб ўйлаб қоламиз... Шунингдек, болалар драматургияси барча даврларда алоҳида эътибор талаб этадиган долзарб масаладир. Айни пайтда драматургияда талаб даражасидаги асарлар яратилмаётгани кўзга ташланмоқда. Аксар ҳолатларда бу борадаги ютуқлар мавжуд муаммоз меросимиз асосида сахналаштирилган асарларга тегишли экани, драматургия ҳаётлилик борасида ҳамон оқсатгани кишини ўйлантиради. Нафакат қатгалар учун, шу билан бирга, бугунги глобал дунёда яшаб, техника ва технологиялардан фаол фойдаланаётган ёшларнинг замонавий асарларга бўлган эҳтиёжи хали қондирилмагани ҳам таъкидлаш жоиз.

Афсуски, ижодкорни ештириш масаласи ҳам қийин кечяпти. Тўғри, санъат институти соҳани кадрлар билан таъминлаш мақсадида ҳаракат қилипти. Азалдан маълумки, адабий турлар орасида энг мураккаби — драматургияга қалами чарчланган ижодкор кириб келган! Бироқ бизда бу ҳолат хозир бошқача кечмоқда. Соҳани ривожлантириш бўйича тақлифлар кўп. Биз бу ўринда қуйидаги тақлифларни маълум кўрдик: ҳар бир театрнинг ўз драматурги бўлсин, зеро, асар сахналаштириш жараёнида, санъаткорлар ҳамкорлигида пишиб этилади; мавзулар бўйича танловлар эълон қилиб бориш, махсус буюртмалар асосида, театрлар актёрларнинг иктидоридан қелиб чиққан ҳолда асарлар ёзиш зарур.

«ТУРОН МАЛИКАСИ»
Самарқанд театри сахнасида

муҳаббати нақадар кучли бўлганини кўрсатади. Шоди Мулк (Ш.Облокулова) қатъияти, шаҳаматлиги, чўртқесар ва маккорлиги билан томошабин эътиборини жалб этади. Унинг бойлик, тожу тахт ва ҳокимиятга ўчлиги ҳар бир ҳаракатидан сезилиб туради. Бутун сарой ахли бош эгиб турадиган Бибиҳонимга тап тортмай қарши бориши, Халил Султон ва унинг ўртасидаги муносабатларни бузиши, охир-оқибат ўзини ҳам хароб қилиши спектаклда изчил ёритилган.

Халил Султон (Ж.Муродов) севгидан шунчалар сармастки, на давлат иши, на бибиҳоним насихатлари ва на устозларининг гаплари унга қор қилади. Унинг учун Шоди Мулкнинг қарорлари қонун. Тахт соҳиб бўлишга ҳақли экани унга завжаси томонидан шунчалар сингдирилганки, Пирмуҳаммад тахт вориси этиб тайинланганида бобосидан ранжигани, ўз оғасига нисбатан нафрати яққол намоён

ришга хизмат қилган. Зеро, тахт Бибиҳоним томонидан ишончли кўлга топширилиши келажакка умидни фодолайди. Бибиҳонимнинг қалб ва руҳан доим Ваган билан биргаллиги, шу заминга унинг беқиеё меҳнати синггани, тарихимизда унинг ўрни нақадар муҳим бўлгани томошабинга етказиб берилган.

Самарқанд вилояти мусикали драма театри ижодкорларидан мана шундай юксак савияли, узок йиллар сахнадан тушмайдиغان, ёшларнинг тарихий билимини ошириб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмак берадиган асарлари кутиб қоламиз. “Бибиҳоним” режиссёр Ш.Санакуловнинг муваффақиятли асарлари қаторидан муҳим жой эгаллашига ишонамиз.

Мохинур АХМАДЖОНОВА,
театршунос

ВОРИСИЙЛИК – ҲАЁТБАҲШ КУЧ

Фольклоршунос олим, фан ташкилотчиси Тўра Мирзаев табиатида деҳқонларга хос феъли кенглик ва интизом: ўз ишини ҳар кун, ҳар ой, унинг кейинги бир неча йиллар кесимидеги тадрижини ҳисобга олган ҳолда, бажариб бориши одати мавжуд эди.

Унинг ўзбек фольклоршунослигининг тадрижий босқичлари деб ҳисоблаш мумкин бўлган асарлари яратилишида бу одати қўл келган, деган фикрга бораман: “Алпомиш” дostonининг ўзбек вариантлари” (1968; бу монография китобикот кейинчалик Германия, Туркия, Россияда ҳам нашр этилган), “Халқ бахшиларининг эпик репертуари” (1979) монографиялари, муаллифнинг энг сара асарларидан тузилиб, рус тилида эълон қилинган “Достон ва бахши” (2008) “Эпос и сказитель”, “Фан”, (2008) китоблари, “Алпомиш” дostonи ва “Гўрўғли” туркум дostonлари бўйича тадқиқотлари... (Бу рўйхатни яна давом эттирса бўлади, албатта.)

Айни барқамол тадқиқотларга бағишланган тақризлар, мақолалар етарлича эканлигидан ва шу соҳада янги ишлар ёзилаётганлигидан ҳам хабардорлигим сабабли, илмий таҳлилга киришиб, устод Тўра Мирзаевнинг инсоний фазилатлари хусусидаги кузатишларим билан ўртоқлашишни истайдман.

Бухоронинг Шофирқонида, Қуйи Саврак қишлоғида туғилиб, илмий-ижодий меҳнатлари натижасида академик бўлган бу унутилмас инсон ўз умрини нанки хусусий, балки жуда кўп зарур ижтимоий омишлар уйғунлигидан яралган ҳосил, деб аналгар эди. “Хар бир кишининг фаолияти қайси бир соҳада кечмасин, унинг у ё бу даражада қамолот касб этишида ёнлаб омишлар мавжуд: ота-она, оила муҳити, мактаб, олий ўқув юрти, меҳнат фаолияти кечган ва кечаётган жамоа таъсири, устоз-шоғирд муносабатлари ва ҳоказо”.

“Алпомиш” дostonи Тўра Мирзаев ҳаётининг мағзига айланишида

мактабда таълим берган муаллимлари — Ҳамро Холмуродов ва Зикр Хўжаев билвосита, йиллар ўтиб, ҳеч кутмаганида, кўз ўнгида йўлчи юлдуздек пайдо бўлган илмий раҳбари — устод фольклоршунос Ҳоди Зариф бевосита истикболий аҳамият касб этилди. Шу ўринда Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманига институтдош дўстни излаб бориб, уни аспирантурада ўқишга киришга даъват этган, илм йўлига отлангирган, ўша вақтда аспирант, сўнг биология фанлари доктори, профессор бўлган Абдулла Омоновни ҳам Тўра Мирзаев ҳеч қачон унутмаганини эслаб ўтиши жоиз.

Бинобарин, миннатдорлик, шукроналик, оқибатлилик академик Тўра Мирзаевнинг туғма фазилатларидан эди. “Алпомиш” дostonи, “Гўрўғли” туркум дostonлари қаб, устод Ҳоди Зариф ҳам унинг асосий мавзуларидан бири бўлиб қолгани, чунончи, “Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси”, “Ҳоди Зарифовнинг илмий ижоди”, “Устозимнинг орзуси эди” ва бошқа мақолалари, “Ҳоди Зариф” адабий портрети ва, ниҳоят, “Ҳоди Зариф суҳбатлари” китоби шу фазилатларнинг амалий муҳассамидир. Адабий ва илмий жамоатчилик ҳақли равишда эътироф этганидек, бу китоб “факат ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси, улкан адабиётшунос, фан ташкилотчиси Ҳоди Зариф босиб ўтган йўлигига эмас, айни чоғда, унинг илмий-ижодий фаолиятида намоён бўлган ўзбек фольклоршунослиги тарихини ёритганлиги билан ҳам муҳим илмий қиммат касб этади” (О.Сафаров, “Садокат ва оқибат битиги”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2013 йил 23 август).



Айни вақтда унинг табиатида ёшларга қомил ишонч билан қараш, ҳар бирининг фикрига ҳолис муносабатда бўлиш, истеъдоднинг самарасини кўришга интиқлик ҳисси устувор эди. У шоғирдларига ворис, маслаққод ва, шу билан бирга, ижобий маънода, ўзидан ўзишга интиқланган мусобақадор сифатида ҳам қарар эди. Ҳар қандай шоғирда шу икки хусусиятнинг бўлиши жуда муҳим ва илмий ривожланишни таъминловчи омил ҳисобланади. Зеро, ота-боболаримиз: “Шоғирд устозидан ўзмаса — ҳисоб эмас”, деб таъкидлагани бежиз эмас. Академик Тўра Мирзаевнинг бугунги ўзбек фольклоршунослигининг етакчи вакиллари даражасига эришган шоғирдлари — аллақачон фан докторлари этиштирган ва этиштираётган устозлар. Уларнинг ҳар бири “Ҳоди Зариф суҳбатлари” муаллифи қаб, “устоздан кейин унинг юксак илмий мартабасига муносиб бўлишга, домланинг ишлари ва гоғларини давом эттиришга ҳаракат қилаётганларини” очик юз билан айта олади. Ҳа, ворисийлик — ҳаётбахш, ижодбахш куч.

Бу барҳаёт олимимиз ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти директори, Фанлар академияси вице-президенти вази-фасини бажарувчи лавозимларида ҳам ўзининг фан ташкилотчиси сифатидаги салоҳиятини самарали равишда амалга ошира олди. Унинг учун илм ахли ҳам, бошқалар ҳам

бирдай қадри эди. Дарҳақиқат, илм самаралари жамиятнинг барча аъзоларига, турли касб эгаларига баб-баравар аталган бўлади.

Тўра Мирзаев зарур ҳолатларда қатъиятини намоён қила олар эди. Уни — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори ни масъул ходимлардан бири ҳузурига қақриб, мазкур илмий-текшириш институтини туғатишга тайёргарлик бошланаётганини, шунинг учун талаб этиладиган ҳужжатларни ҳозирлашга кириши лозимлигини айтади.

— Мен бузувчи бўла олмаيمان, шундай ўйласангиз, қаттиқ янгилашасиз! — дейди директор ва мазкур илм даргоҳини туғатиш ноғури бўлишни исботловчи ўз далилларини бирма-бир баён қилади.

Ўша суҳбатдан кейин ишхонасига қайтиб келган Тўра Мирзаевнинг бўғриқиб кетган чеҳраси, шиддатли қачнаб турган кўзлари баъзан ҳаёлимда қайта жонланади...

У кўп вақт давраларда, дастурхон йиғилиб, фотиҳага қўл очилганда: “Илмий фаолият билан шуғулланишимиз, диссертациялар ёзишимиз ва уларни ёқлашимиз, китоблар яратишимиз, фольклор экспедицияларига чиқишимиз, оилавий таъминотимиз тўқис бўлиши, ижодий сафарларга боришимиз, дам олишимиз, даволанишимиз — ҳамма-ҳаммасининг моддий ва маънавий асосини шу институтимиз шарофати билан раво кўрмоқда бизга давлатимиз... Кўз тегмасин”, деб дуо қиларди.

Олимнинг фан ташкилотчиси сифатидаги хизматлари тарихий жараёндар таркибига сингиб, умумий бисотга айланиб кетиши мумкин. Шу маънода фольклоршунос маконидаги илмий тадқиқотлари академик Тўра Мирзаевнинг порлоқ сиймосини юксакликдан қуйи индирайдиган толмас қанотларга айланганига ишончимиз қомил.

Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ

ТАСВИРЛАРДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида “Наврўз” умумхалқ байрамига бағишланган кўрғазмада танлики ижодкорларнинг юздан зиёд хайкалтарошлик, рангтаъсир, графика, амалий санъат асарлари намоиш этилмоқда. Д.Мамедованинг “Маҳаллага баҳор келди”, З.Фахрулдиновнинг “Наврўзга таралду”, “Тортишув”, “Шингил”, С.Раҳмоновнинг “Наврўз” сингари полотноларида байрам ёрқин ранглар жиловиди фидоаланган. М.Бородин, Л.Нестерович ва Н.Қўзиёваннинг хайкалтарошлик композицияларида табиат ва инсон гўзаллиги муҳассам. Маҳоратли усталар Ортик ва Тоир Файзуллаев, Ҳакимжон Иноғомов, Ҳасан ва Ҳамид Мирзахмедовнинг ижод намуналари ҳам томошабилар эътиборида.

Ўзбекистон халқ рассомни Акмал Нурнинг 2020 йилда яратган туркум асарлари санъатсевар муҳлисларга байрам тухфаси бўлди.

Пойтахтимиздаги Иқоо Хирьяма номидаги Халқаро маданият қарвонасаройининг катта залида Лиана Алмашеванинг “Та-

свирларда муҳассам сийрат” деб номланган кўрғазмаси очилди. Наврўз байрамига бағишланган экспозициядан муаллифнинг эллика яқин манзара, натюрморт, портрет жанрига онд асарлари ўрин олган. Унинг “Булок”, “Хумсон”, “Угам”, “Қуз лахзалари” қаб асарлари ўлкамизнинг сўлим ва хушманзара жойларидан баҳра олиш, фаслар алмашинувиға муносабат кўзга ташланади. Рассом тарихий обидаларни ҳам меҳр билан чизган.

Тошкент Фотосуратлар уйида очилган Ўзбекистон халқ устаси Асрол Мухторовнинг “Наврўз — ёшариш ва янгилиниш байрами” деб номланган кўрғазмасида йигирмадан зиёд ганчкорлик асарни ҳамда турли худудлардаги меъморий ишюотларга ишланган асарларидан лавҳалар, ганчкорлик, ўттиздан ортик фотосурат намоиш этилмоқда. Мустақиллик Асрол Мухторов ижодига янги мазмун ва шиддат бағишлади. У Темурийлар тарихи давлат музейи, “Туркистон” санъат саройи қаб кўплай биноларни бешада ўз маҳоратини намоён этди. Айни пайтда шоғирдлари билан бирга “Минор” масжиди биносини бешада ганчкорлик ишларини амалга оширмоқда.

Сарвара ҚОСИМОВА

ЭЪЛОН

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
бўш ўринларга танлов эълон қилади

“Вокал” кафедрасига доцент (1), “Сахна нутқи” кафедрасига доцент (1), “Сахна характери ва жисмоний маданият” кафедрасига катта ўқитувчи (1), ўқитувчи (1), “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедрасига профессор (1), катта ўқитувчи (1), “Чолгу ижрочилиги” кафедрасига профессор (1), катта ўқитувчи (1), “Миллий қўшиқчилик” кафедрасига профессор (1), доцент (1), “Кўғирчок театри санъати” кафедрасига катта ўқитувчи (1), “Педагогика ва психология” кафедрасига доцент (1), “Фольклор ва этнография” кафедрасига доцент (1), катта ўқитувчи (1), “Жаҳон тиллари ва адабиёти” кафедрасига катта ўқитувчи (1), ўқитувчи (1).

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза;
 2. Ишловчининг шахсий варақаси;
 3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхаси;
 4. Паспорт нусхаси;
 5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
 6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
 7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.
- Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.
- Манзил: 100164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127 “а”-уй.
Телефонлар: 71-230-28-02, 71-230-28-11.

ОШҚОВОҚНИНГ ФОЙДАСИ ВА...



Журналистика соҳасида эллик йилдан бери қалам тебратиб келаётган серкира ва сермаҳсул касбдошларимиздан бири Аҳмадҷон Мелибоевнинг номи адабиёт ва журналистика ихлосмандларига яхши таниш. Газета-журналларда пешма-пеш эълон қилинаётган мақолаларини ўқиб улгуришининг, телесуҳбатларини тинглашининг ўзи бўлмайди. Оғир пандемия шароитидаги муолажалар орасида ҳам ижод қаламини кўлга олиб, "Тождор ажал ҳамласи" сарлавҳали китоб ёзгани алоҳида таҳсинга сазовор.

Устозни газетамизнинг талабчан собиқ муҳаррири сифатида биладиган муҳлислар кўп, яна кўпчилик домлани Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг доценти, университетда фаолият юритаётган "Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон" доимий кўразмаси раҳбари, илмий мақола ва ўқув қўлланмалар муаллифи сифатида эътироф этади. Аҳмадҷон акани сиёсий шарҳловчи сифатида эслаб юрадиганлар ҳам оз эмас. Бугун табаррук ёшини қаршилаётган устоз ёшларга хос ишжоат билан "Жаҳон адабиёти" журналга бош бўлиб турибдилар.

Аммо... бу ҳали ҳаммаси эмас. Аҳмадҷон аканинг яна бир хусусияти борки, унга алоҳида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Бу хусусиятда Саид Аҳмад, Неймат Аминов, Турсунбой Адаибоев, Анвар Обидҷон мактаби анъаналарини сезиш қийин эмас. Бунга Сиз ҳам қўйидаги тўқилмаган, ҳатто Шодмон Отабек эшитмаган хандаларни ўқиб ишонч ҳосил қиласиз.

Устозга мустақкам соғлиқ, янги ижодий муваффақиятлар тилаб қоламиз. "ЎЗАС"чилар

ҚУДАЛАРНИНГ ДУМИ

Ўғлини уйлаётган дўстларидан бири Аҳмадҷон акани кўра ошига таклиф қилиб, "Эрталаб ўн бештаси кам еттида тўйхона олдига тўплана-миз", дейди. Аҳмадҷон ака Дўрмондан келгунча вақт еттидан сал ошади. Тўйхона олдига келса, қудалар эндигина ичкарига кириб кетишган экан, ташқарида турган бир киши:

— Сизлар... қайси томондан, — деб сўрайди.

— Биз ҳозир ичкарига кириб кетган қудаларнинг думимиз, — дейди Аҳмадҷон ака.

ТУШЛИККА ЧИҚИШ ВАҚТИ

Бир йилда маърузачи жуда узок гапирди. Тушлик вақти ўтиб кетса ҳам тўхтамайди. "Биз ўзи жуда кизик одамлармиз-да, — дейди у Аҳмадҷон Мелибоевга кўзи тушиб. — Вақтида дам олишни, вақтида даволанишни билмай-миз, вақтида уйқуга ётмай-миз..."

Аҳмадҷон ака унинг сўзини бўлиб, лукма ташлайди:

— Жуда тўғри, биз ҳатто вақтида тушликка чиқишни ҳам билмай-миз...

ТОШКЕНТНИНГ ҚИЗИҚ ОДАТИ

Бир суҳбатда қайси вилоятда ошни қандай ейишлари тўғрисида гап кетади.

— Кўзонда ош қалампирсиз ейилмайди, — дейди суҳбатдошлардан бири. — Терлаб, яйраб-яйраб ейишади.

— Андижонликлар баҳорда ошга довучча солишаркан, — дейди бошқа бир киши.

— Наманганликлар ошни қатикқа булаб ейишганини ўзим кўрганман, — дейди учинчи киши.

Суҳбатга Аҳмадҷон ака қўшилиди:

— Хар жойнинг ўзига хос кизик-қизик одатлари бор-да. Мана, масалан, Тошкентни олайлик, эллик йилдан бери кузатаман, ошни нукул гўшт билан ейишади-я, азаматлар.

ЁҒ ВА АРОҚ

Таниқли олим Очил Тоғаев ҳақидаги хотиралар китобининг тақдироти кўздан сал нарироқ қойхоналардан бирида ўтказилди. Одатдагидек, қозон бошида маросим мутасаддилари жизза билан қитғай-қитғай олишади. Адабиётшунос олим Маҳкам Маҳмудов ҳаёл билан бўлиб, жизза устидан қозон ёнида турган "Фанта"дан бир-икки култум

ичади. Афсуски, шиша ичида фанта эмас, пахта ёғи экан...

Эртаси кунин Очил домланинг яқин шоғирларидан бири Аҳмадҷон акага ўпқаланади:

— Мени негадир айтишмабди, эшитсам борардим. Домла бизга ҳам дарс берганлар. Жуда яйрагандирсизлар?

— Яйраш ҳам гапми, шунанга мисирдикки, ароқ ёғдай, ёғ газакдай кетди, — дейди Аҳмадҷон ака.

ШАМОЛЛАШНИНГ САБАБИ

Аҳмадҷон ака бир суҳбатга Шодмонбек Отабевни таклиф қилмоқчи бўлиб суриштирса, "Шодмонбек бироз шамоллаб, уйда ётибди" дейишибди.

— Қиш заптига олаятпи, Шодмонбекнинг қўли шамоллаган бўлиши керак, — дейди Аҳмадҷон ака. — Совуқка қарамай, хар сўраганидан кейин қўлини совуқ сув билан юваверишининг оқибати шу-да!

ҲАММА ИШНИНГ ЙЎЛИ БОР

Ёзувчи Наби Жалопиддин Аҳмадҷон акага: "Ҳайдовчилик гувоҳномам бор, йўл қоидамини яхши биламан, бунинг устига Афғонистонда хизмат қилганман, кўрмаган нарсама қолмаган, аммо... машина минншдан негадир чўчийман, Тошкент кўчаларида юришининг ўзи бўлмайди", дейди.

— Чўчимасликнинг йўли бор, — дейди Аҳмадҷон ака бамайилхотир. — Афғонча қийимингизни қийинг, соқолни ўстиринг. Елкангизга ўйинчоқ бўлса ҳам қора автомат ташлаб олиб, пачоқ бир "Жигули"да йўлга тушинг, ҳеч ким сизга халақит бермайди.

ОШҚОВОҚНИНГ ФОЙДАСИ ВА ЗИЁНИ

Бир суҳбатда кўпчилик ошқовоқнинг фойдали эканлиги хусусида жуда узок гапирди. Сутли қовоқ хўрда, қовоқли мастава, қовоқ сомса, қовоқ манти, қовоқ уруғини пўсти билан майдалаб истеъмол қилиш, қовоқнинг ичинини тозалаб, гўшт, думба, пиёз, шолғом ва қўқатлар билан тўлдириб димлаш ва ҳоқазолар. Суҳбат шу қадар чўзилдики, Аҳмадҷон ака беготак бўлиб, суҳбатга шундай яқун ясайди:

— Жуда тўғри, қовоқнинг турган-битгани фойда. Аммо... кегагидан ортик истеъмол қилинса, одамнинг боши қовоққа ўхшаб қолади. Шундан эҳтиёт бўлиш керак...

ТАБИБЧИЛИК

Бир ўтиришда улфатлар табибчиликдан гап очиб, бананинг ноёб хусусиятини санай кетишади. Бир киши:

"Банан еган одам рақ касаллигига чалинмас экан, шу тўғрими?" деб ўртага савол ташлайди. Аҳмадҷон ака жавоб қилади: "Сиз банани тўйиб-тўйиб еяверинг, рақ бўлмаслигингизни билмадим, аммо мияга фойдаси бор — ду-рақ бўлмаслигингиз аниқ".

ЯКУНГА ҲАЛИ ЭРТА

Таниқли режиссёр таваллудининг 80 йиллигига бағишланган кечага Аҳмадҷон ака раислик қилади. Қўлловлар кўпайиб, вақт тигиз бўлиб қолади. Кечани якунлаш керак, аммо... режиссёр менга ҳам сўз беринглар деб туриб олади. Шунда раис залга мурожаат қилиб, шундай дейди:

— Биродарлар, мана, йилгишимиз ҳам якунига етиб қолди. Одатга кўра, юбилярга сўз беришимиз керак. Аммо мен раис сифатида дўстимизни бу ҳуқуқдан маҳрум қилмоқчиман. Кўриб турибсизлар, режиссёр акамиз шиддат билан ишлаб турибдилар, янги-янги фильмлари туриллатиб суратга олмақдалар. Режалари бир олам. Шундай экан, қандай қилиб бу кишига якуний сўз бериш мумкин. Акамиз ижода охириги сўзларини ҳали айтганлари йўқ. Шундай экан, якуний сўзини қолдиришимизга тўғри келади...

Бу таклиф йилгишининг чарчаган катнашчиларига ҳам, қуруқ мактовдан беготак бўлаётган юбилярга ҳам маъқул келади ва залда гулдурас қарсақлар янграйди.

"ЭТИГИМИЗНИНГ ҚЎНЖИГА ҲАМ..."

Аҳмадҷон ака адабиёт газетасида ишлаб юрган кезлари водий вилоятларига тез-тез бориб турган, чунки буначиларнинг асосий қисми шу вилоятларда бўлган.

Бир гал пахта даласидаги учрашувлардан бирида бош муҳаррир туман хокимига газетанинг янги сонини беради. Дала кезиб юрган хоким газетани кейин ўқийман деб, етти-саккиз буклайди-да, этигининг қўнжига тикиб қўяди. Ўша кунин кечқурун туман марказида газетхонлар билан ўтказилган

ТҶЙХАТ ҶРНИДА

учрашулда маҳаллий шоирлардан бири: "Адабиёт газетасини ўқишимиз керак, у хар ҳафта маънавий нур, ёрғу фикр бўлиб хонадонларимизга кириб келади", дейди. Аҳмадҷон ака ўтирган жойида қўшимча қилади: "Этигимизнинг қўнжига ҳам..."

ТЕЗКОРЛИК

Аҳмадҷон аканинг яқин дўстларидан бири "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" хафталиги тахририятига келиб, "Э, раҳмат-е, яқинда мақола ташлаб кетган эдим, чиқибди, жуда тез ишлар экансизлар", дейди хурсанд бўлиб.

— Қайси мақолангиз, мен ҳали кўрганам йўқ-ку, — дейди муҳаррир хайрон бўлиб.

— Ходимингиз чиқиб кетди, деди-ку, — ажабланиб сўрайди муаллиф.

— Э, ха, шундай демайсизми, — дейди Аҳмадҷон ака гап нимадалигини туншунгач. — Ходим тўғри айттибди.

Мақолангиз қайд этиш хонасида тахририят ходими хонасига чиқаририлган, ходим уни бўлим бошлигига чиқарган. Бўлиб бошлиги бош муҳаррир ўрин-босарига чиқарилади. Ана ундан кейин мен ўқийман. Хурсанд бўлаверинг, мақолангиз ҳаракатда.

МАЗЗА ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИ

Аҳмадҷон Мелибоев "Жаҳон адабиёти" журналига бош муҳаррир бўлиб тайинланган, унинг олдига ижоддан анча узоклашиб кетган бир муаллиф йирик асарининг хом-хатала таржимасини кўтариб келади. Муҳаррир таржима билан танишиб, унга шундай дейди:

— Яхши ишга қўл урибсиз, аммо маҳоратингиз камлиги бўлиниб қолибди-да. Баъзи жойлари аслиятдаги маънога тўғри келмайди. Бошқа ишларни йиғиштириб, жиддий ўтиришингиз керак. Таржима осон иш эмас. Бир-бир ярим йилда қайта ишласангиз, албатта, кўриб чиқамиз.

— Ў-ҳў, бир ярим йил жуда узок муддат-ку, — дейди таржимон ажабланиб.

— Сиз бемалол ишлаверинг, бир ярим йил эмас, менга қолса, икки йил ишланг, унганча қалам ҳақи уч баробар ошади. Ана ўшанда мазза қиласиз, — дейди Аҳмадҷон ака.

ТАКЛИФНИНГ НОЗИК ЖОЙИ

Аҳмадҷон аканинг олдига эски кадрдонларидан бири келиб, журналга ишга ўтгани билан муборакбод этади. "Қаттиқ ишлашингизга тўғри келади, дўстим, журнални қулайтириш керак. Зўр мавзулар топиш керак. Машҳур аёлларнинг ишқий саргузаштлари тўғрисида ёзилган шов-шувли асарларни биласиз. Бирортасини таржима қилиб беришим мумкин, — дейди янги муҳаррирга ёрдам бермоқчи бўлиб. — Балким "Аёлларнинг сирли олами" деган руқн очарсизлар?"

— Яхши маслаҳат, жувонбозлик мавзуси ҳаммани қизиктиради. Аммо... бир нозик жойи бор-да, дўстим, — дейди Аҳмадҷон ака афсуслангандай бўлиб.

— Қанақа нозик жойи?

— Сиз айтгандай қилиш учун журналнинг номини "Жувон адабиёти" деб ўзгартиришга тўғри келади-да, — дейди муҳаррир.

Асрор МҶМИН

БИЗНИ ҚУЗАТЛАР ВАТАН!

Ҷонийлик ва мангуйлик



Ватандин вақт-бевақт одамзот ўтар, Турфа хил наботот, хайвонот ўтар, Манғудай кўринган мавжудот ўтар, Тоғдай суқут сақлаб қузатар Ватан!

Ватан осмонда порлар ахтарлар, Қўёшни етаклаб келар сахарлар, Уйғонар одамлар, қишлоқ-шахарлар, Тоғдай суқут сақлаб қузатар Ватан!

Қалбларни ёритган орзу яшайди, Самога йўлланган ёху яшайди, Олам мўъжизаси оху яшайди, Тоғдай суқут сақлаб қузатар Ватан!

Биздан мерос бўлар не этсак бунёд — Умри боқий нарсга қилолсак ижод. Изимизни босар келгуси авлод, Тоғдай суқут сақлаб қузатар Ватан!

Яшайди қолдирса қимқи яхши ном, Унга кўрсатилар ҳурмат-эҳтиром, Богда мезбон қутар айтганча салом, Тоғдай суқут сақлаб қузатар Ватан!

Ҳозир Ватанимга қўшиқ битарман, Бир кун булут билан бирга йнтарман, Бағрига ёмғирдай сингиб кетарман, Тоғдай суқут сақлаб қузатар Ватан!

Шугрона

Устоз Азим Суюн хотирасига

Тоғда тошлар узра ўсган тугдона, Шивирлаб шамолни тўсган тугдона, Бунча мард ва чечан сўзсан, тугдона, Сени кўрган кундан дўстсан, тугдона.

Ўша кун хилпираб яшил байроқдай, Мени ҳам шеърят сари бошладинг. Зехну заковатим чархлаб қайроқдай, Юрагимга умид чўғи ташладинг.

Ўзи тошлар аро тебратсин қалам, Симириб сув ичди шеър бўлогидан. Устозлардай қаддин ростлади ўқтам, Сабаби куч олди олиш тоғидан.

Ижод осмонига чорлади мағлаб, Лекин тошлар узра ўсди тугдона. Доим ахшиликни қўлаб-қувватлаб, Ёмонлик йўлини тўсди тугдона.

Доим давраларда истиғфор этди: Тошлар узра ўсар тугдона дея. Шу эътиқод билан дунёдан ўтди: Юмшоқ тупроқ унга бегона дея.

Ва лекин Чигатой қабристонига Юмшоқ ердан ўсиб чиқди тугдона. Устозлари мамнун қарар ёнида, Ахир, бу тугдона якка-ягона!

ЭЪЛОН

"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali" бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 2021 йил 24 мартдаги 02-5-2-97-сонли бюргманомасига асосан, Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Окқўрғон кўчаси 34-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспортлар қўйилмоқда:

1) "Тико" русумли 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 939 LBA бўлган, техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 081 000 сўм; 2) "Тико" русумли 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 423 САА бўлган, техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм;

Аукцион савдоси 2021 йил 27 апрель кунин соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2021 йил 23 апрель кунин соат 18:00. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Юқоридаги автотранспортлар 2021 йил 27 апрель кунин сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2021 йил 15, 25 май кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Тақрорий савдолар учун аризалар қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунин олдин соат 16:00 да тўхташилади.

Савдо қўлибига 10 иш кунин ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурийати юклатилади.

Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Давр Банк" Яқкасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлар шарт: 2260 4000 5005 7145 2002, МФО: 01069, СТИР: 200933850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. Телефон: 71-237-23-96. www.tmm.uz. Гувоҳнома: 001805.

Таваллуд кунлар

Мусаллам Дадажонова — 30 март — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театри хор артисти.

Дониёр Насриддинов — 30 март (1988) — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри.

Лазиз Орзиев — 27 март (1987) — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри.

Аблаберди Эгамов — 30 март (1949) — график рассом, профессор, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Қорақалпоғистон санъат арбоби.

Бахтиёр Алиев — 28 март (1938-2019) — композитор, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти.

Абдурахмон Пиримқулов — 1 апрель (1969) — таниқли адабиётшунос олим, мунаққид.

МАННАВИЯТ АЛФТАРИ

Инсон хар доим беозор бўлмасдан, баъзан дунёдаги энг вахший махлуққа айланиши мумкинлигини гоҳо тан олгимиз келмайди.

Даниэл ДЕФО

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди жамоалари уюшма аъзоси, ёзувчи Рисолат Хайдарова отаси

Турсун ТОШПҶЛАТОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди жамоалари уюшма аъзоси Хондамир Қодирийга онаси

МУКАМБАР аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўzbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Ҳамқоримиз: akfa

Тахририятга келган кўтезмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаси назаридан фарқланishi мумкин.

Маскув котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Зафар РҶЗИЕВ

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 3379. Бюрорма Г - 344.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» наشريёт-мағбаа акциядорлик компанияси Босмахона насили.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топириш вақти - 21.00.
Босишга топиришди - 21.00.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X

Таққид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-56-40 Назм ва наср бўлими: 233-58-60